



ISSN:2181-3558

«SCIENCE AND RESEARCH»

JOURNAL

OF INTEGRATED EDUCATION
AND RESEARCH

INTEGRATSIYALASHGAN
TA'LIM VA TADQIQOT JURNALI

ЖУРНАЛ ИНТЕГРИРОВАННОГО
ОБРАЗОВАНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЙ

**THE JOURNAL OF
INTEGRATED
EDUCATION AND
RESEARCH**

ISSN 2181-3558

VOLUME 1, ISSUE 6

COLLECTION A

NOVEMBER 2022



Tahririyat a'zolari

- Berdialiev A. f.f.d., prof.*
Nurullaeva Sh.U. ped.f.d., prof.
Tursunov K.Sh. ped.f.d., prof.
Babadjanova D. tarix.f.d., prof.
Ernazarova G.O. ped.f.d., prof.
Abduraximova D.A. ped.f.d., prof.
Мадымапов Т.Т. yur.f.d., prof.
Мурзаева С.Р. fil.f.d., prof.
Yuldashev M.M. fil.f.d., prof.
Xolliyev A.E. bio.f.d., prof.
Mahmudov N.M. fil.f.d., prof.
Salayeva M.S. ped.f.d., prof.
Salaeva M.S. psi.f.n., dotsent
Tojiboyeva M.A. fil.f.d., dotsent
Sabirova N.E. fil.f.d., dotsent
Norboyeva U.T. bio.f.d., dotsent
Yarmatov R.B. ped.f.d., dotsent
Egamberdiyeva N.A. tarix.f.d., dotsent
- Achilov N.K. fil.f.d., dotsent*
Imomova G.M. fil.f.n., dotsent
Zakirova H.R. f.f.n., dotsent
Tuhtahujaev H.B. ped.f.f.d., dotsent, TFA Akademik
Bakiyev Z.A. ped.f.n., dotsent
Razzakov H.K. tex.f.n., f.f.d., dotsent
Ortikov O.A. tex.f.f.d., dotsent
Djuraeva M.Y. f.f.f.d.
Nabikhodjaev A.A. iqt.f.n., dotsent
Otadjanova M.O. f.f.d.
Tajibaeva M.A. fil.f.d., dotsent
Hasanov A.M. fil.f.f.d.
Kholmurodov A.E. fiz.m.f.d., dotsent
Aripov O.A. iqt.f.d., dotsent
Safarova U.A. fil.f.d., dotsent
Dexqonova M.Sh. f.f.d.
Hasanov A.M. fil.f.d.

Mas'ul kotib: M.Yusupov

ЁШЛАРНИ ЮКСАК ҒОЯВИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ ҒОЯГА СОДИҚЛИК, ЁТ МАФКУРАЛАРГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Ганиева Г.

*ҚДУ. Миллий гоя маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими кафедраси стажёр ўқитувчиси
ganiyeva.gulistan@inbox.ru*

Аннотация. Ҳозирги даврда турли хил эски ва янги мафкура, ғояларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Бунга сабаб социалистик тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг икки қарама-қарши кутбларга бўлиниши барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар, ғоялар кураши, тортишуви ҳали тўхтагани йўқ. Бу курашлардан мақсад инсон, шу жумладан, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онги ва тафаккурига таъсир ўтказиш, уни ўзига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборатдир. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликлардан ҳам кўра даҳшатлироқдир.

Калит сози. Миллий гоя, мафкура, тарбия, маънавият, мафкуравий иммунитет.

Аннотация. В нынешнюю эпоху борьба между различными старыми и новыми идеологиями и идеями становится как никогда ожесточенной. Причина этого в том, что после краха социалистической тоталитарной системы прекратилось деление мира на два противоположных полюса, но борьба и конфликт идеологий, идей, выражающих разные цели и интересы, еще не прекратились. Цель этой борьбы – завладеть сердцами людей, в том числе молодежи, воздействовать на сознание и мышление нации или народа в определенной стране или регионе, подчинить их себе, сделать морально слабыми и подвластными. Зависимость мысли, рабство мысли страшнее всякой экономической и политической зависимости.

Ключевое слово. Национальная идея, идеология, образование, духовность, идеологический иммунитет.

Annotation. In the current era, the struggle between various old and new ideologies and ideas is becoming fiercer than ever. The reason for this is that after the collapse of the socialist totalitarian system, the division of the world into two opposite poles ceased, but the struggle and conflict of ideologies, ideas expressing different goals and interests, has not yet ceased. The purpose of this struggle is to capture the hearts of people, including young people, to influence the consciousness and thinking of a nation or people in a particular country or region, to subjugate them, to make them morally weak and subservient. The dependence of thought, the slavery of thought, is more terrible than any economic and political dependence.

Key word. National idea, ideology, education, spirituality, ideological immunity.

Ҳар бир жамиятнинг, унда яшайдиган инсонларнинг тақдири ва келажаги албатта давлатларнинг етакчи кучлари ҳисобланмиш ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Юртимизда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда. Зеро, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Халқнинг келажаги ёшларга боғлиқ экенлиги нешоғли ҳақиқат бўлса, уларни миллий рухта тарбиялаш зарурлигида тан олинган. Миллий ўзлигини сақлаш ва келажагини таминлаш омили ҳисобланади. [1.201-б]

Маълумки, Президентимиз ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари суриб, ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасида эътиборга олинди. Бугинги кунда юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эса қадимдан ота-боболаримиз томонидан шаклланиб келган асл миллий ва диний қадриятларимизни аҳамияти нечоғлиқ муҳим эканини кўрсатиб бермоқда.

Зеро, эртанги фаровон ҳаёт жамиятни мукаммал ахлоқ тамойиллари асосида барпо қилиш, оилада баркамол фарзанд тарбияси, унинг жисмонан бақувват, руҳан тетик, маънан етук, ақлан ва ахлоқан гўзал бўлиб етиши билан белгиланади. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунча кучли бўлади. Нима учун давлатимиз раҳбари айнан ёшлар масаласига алоҳида урғу бермоқда? Давлатимиз раҳбари нуфузли халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб, жаҳон ҳамжамиятини ёш авлод турли бузғунчи ғоялар ва радикал гуруҳларга қўшилиб кетишининг олдини олишга чақирмоқда. Асосий эътиборни маърифатга, ёшларнинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига қаратиш лозимлигини жонкуярлик билан таъкидламоқда. Бу бежиз эмас, албатта. «Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди», дейди президентимиз. [2. 505-б] Ёшлар тарбияси мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўймаслик лозим. Ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмақда. Глобал муаммолар – халқаро терроризм, экстремизм, муросасизлик, саводсизлик, жаҳолат, қашшоқлик, зўравонлик ғояси “вируси”, “оммавий маданият”, одам савдоси, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, ноқонуний миграция каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзод асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, қадриятларга путур етказмоқда.

Ёшларда мафкурабий иммунитетни шакиллантиришнинг муҳим ижтимоий маънавий зарурат сифатидаги аҳамияти ортиб бормоқда.

Мустақил миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири – ёшларни юксак ғоявийлик ва миллий ғояга содиқлик, ёт мафкураларга қарши муросасизлик руҳида тарбиялашдир.

Ёшлар дунёкарашида соғлам эътиқот, ишонч ва миллий қадриятларнинг устуворлиги, ёт мафкураларга қарши иммунитетни тарбиялашда уларни:

- Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари билан кураллантириш;

- ҳаёт ҳодисаларини дунёвийлик, илмийлик тамойили асосида таҳлил қилиш ва баҳолашга одатлантириш;

- ўз қарашларини ҳимоя қилишга ўргатиш;

- бузғунчи мафкураларга ҳар доим, ҳамма жойда мурросасиз бўлишга таёрлашга асосий эътибор қаратич зарур.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакиллантириш педагог кадрларнинг ғоявий-назарий ва услубий тайёргарлигига ҳам боғлиқдир. Ҳар бир профессор-ўқитувчи, энг аввало, миллий ғоямизнинг тарғиботчиси бўла олиши керак.

Мафкуравий иммунитетни шакиллантириш жамият ҳаётининг энг нозик жиҳатлари, ёшларнинг миллий ҳис-туйғулари, мақсад ва интилишлари, маънавий-маърифий ва руҳий-ахлоқий даражасига бевосита боғлиқ ҳодиса. Шундай экан, ёшларимиз ёт мафкураларнинг «меҳрибонлиги» «холислиги» ва «бетарафлиги», «ёқимлилиги», «дўстоналиги» ортида нима ётганини англай билишлари лозим.[3.17-б]Яъни уларнинг замирида мунтазам тактикасини ўзгартириб турувчи жонсарақ ақидапарастлик тарғиботи турганини танишга, тушинишга ёшларимизни ўргатиб бориш керак. Айрим ёшларнинг ҳар ҳил ёт ғояларини холис ахборот манбаи сифатида қабул қилаётганларини ҳам назардан қочирмаслик керак. Ёт мафкураларни кур-кўрона қабул қилишнинг қулай замини-бу маиший қулайликка ортиқча интилиш, ташқи гўзалликка ҳаддан ташқари берилиш, буюмпарастлик, боқимандалик ва миллий турмуш тарзида одатий ҳол бўлиб қолган афзалликлар ва неъматлардан онгсиз билмасликдир. Бу каби дунёдаги мавжуд мураккаб мафкуравий вазият ёшларимизда мафкуравий иммунитетни тарбиялашни фаоллаштириш кераклигини талаб қилади. Мафкуравий иммунитетнинг шакилланиши бирданига юз бермайди. У миллий манфаатлар устуворлиги нуқтаи назарини шакллантириш ҳамда талабаларнинг янги, холис тарихий билимларга эга бўлишлари билан амалга ошади. Таълим муассасалари ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ёшларнинг сиёсий қарашларини шакиллантирадиган ҳамда уларда ёт мафкураларнинг қуранишларига фаол муросасизликни тарбиялайдилар. Бунда тарихий материаллардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Албатта, бу масъулиятли, ҳаётга бўлган ғоявий-сиёсий муносабати катта роль ўйнайди. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари замонавий ёт ғоя,

мафкуралар тарғиботининг умумий мақсад-ниятлари, кирдикорларини билишлар катта аҳамиятга эга. Бу ёт мафкуравий қарашларини танқид қилишга саёз ёндашиш ва соддалаштиришнинг олдини олишга кўмаклашади.

Хулоса қилиб айтганда мафкуравий иммунитетни юксак даражада шакилланган фуқаро атрофидагиларни ҳам ғоявий тарбиялаш салоҳиятига эга бўлади. Ўзи ва миллати учун бефайда, зарарли одатларидан воз кечади. Миллат манфатларини эса миллат манфатига эришиш шarti деб тушунади.

Адабиётлар

1. Ваутиева А., Ганиева Г. Хабаршысы ҚМУ Нөкис-2022. № 1 (55)., 201-б
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017 й., 505-б
3. Н.Салиева. Ёшлар.Миллий ғоя.Тарбия. Тошкент 2011., 17-б

**STEPS IN THE PROCESS OF DENATIONALIZATION AND
PRIVATIZATION OF PROPERTY IN UZBEKISTAN***Xoliqulova Yulduz Panji qizi**Assistant of at "Finance and accounting" department of
Tashkent state university of economics*

Annotation. This article describes the development of privatization in Uzbekistan, the problems encountered in privatization and the results of ongoing work to address them. The article also contains scientific suggestions and practical recommendations on this issue, developed by the author. As a result of the first stage of economic reforms, small-scale privatization was born, and a system of institutions was created to manage state property and transform it into other forms of ownership.

Keywords: local industrial enterprises, property, denationalization, privatization.

Annotatsiya. Ushbu maqolada O'zbekistonda xususiylashtirishning rivojlanishi, xususiylashtirishda uchrayotgan muammolar va ularni bartaraf etish bo'yicha olib borilayotgan ishlar natijalari bayon etilgan. Maqolada ushbu masala bo'yicha muallif tomonidan ishlab chiqilgan ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ham o'rin olgan. Iqtisodiy islohotlarning birinchi bosqichi natijasida kichik xususiylashtirish vujudga keldi, davlat mulkini boshqarish va uni boshqa mulk shakllariga aylantirish institutlari tizimi yaratildi.

Kalit so'zlar: mahalliy sanoat korxonalarini, mulk, davlat tasarrufidan chiqarish, xususiylashtirish.

Аннотация. В данной статье описывается развитие приватизации в Узбекистане, проблемы, возникающие при приватизации и результаты проводимой работы по их решению. В статье также содержатся научные предложения и практические рекомендации по данному вопросу, разработанные автором. В результате первого этапа экономических реформ родилась малая приватизация, была создана система институтов управления государственной собственностью и преобразования ее в другие формы собственности.

Ключевые слова: местные промышленные предприятия, собственность, разгосударствление, приватизация.

Trade, consumer services, local industrial enterprises were transferred to private and public ownership. As a result, in 1997, trade and trade accounted for more than 95% of the gross national product in the non-state sector. In the process of privatization, more than one million previously state-owned apartments, or more than 95 percent of the state housing stock, have become private property. The second stage of the state social program was in 1994-1995 . At this stage, many medium and large enterprises were transformed into joint stock companies, and their shares formed the basis of the republic's securities market. Along with the transformation of state property into a shareholding, small private businesses have been formed.

At this stage of denationalization and privatization, the creation of open joint-stock companies, the sale of state property on a competitive basis and at auction has been introduced. New real estate and securities markets have been established.

The benefits of denationalization and privatization are twofold. On the one hand, it reduces the pressure on the market by attracting idle funds of the population. On the other hand, it creates conditions for attracting new funds and creating competition among commodity producers. It should be noted that privatization is not the only way to form a non-state sector of the economy. The formation of small and medium-sized enterprises on the basis of initiative, based on individual private property, as well as various cooperatives, companies, limited liability companies, is a second powerful process.

Since 1996, the republic's economy has entered the third stage of denationalization and privatization. During this period (1996-1998), all objects and enterprises that were not included in the list of non-privatized objects (a total of 3,146) were taken out of state ownership. The main tasks of the fourth stage of the privatization process (1998-2002) are to direct the proceeds from privatization to the state budget, to attract foreign investment to privatized enterprises, to increase management efficiency and to create new conditions for the operation of property.

The fifth stage of denationalization and privatization in Uzbekistan. In connection with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 24, 2003 "On measures to radically increase the share and importance of the private sector in the economy of Uzbekistan". The decree is aimed at the near future. Is there an effective mechanism for setting prices for privatized facilities in order to accelerate the process of denationalization and privatization of economically insolvent state-owned enterprises, as well as to attract direct investment for the modernization and sustainable development of these enterprises? In particular, privatized enterprises are gradually lowering the starting prices of state assets, and the state. After gaining its independence, Uzbekistan initially adopted the following basic legal norms and legislation for the formation and development of small business. The Law of the Republic of Uzbekistan of November 18, 1991 "On denationalization and privatization of property" was especially important in this regard. According to him, the work on the transformation of forms of ownership will be carried out on the basis of a special program, which will be gradually developed and approved for national and regional purposes. Of course, the adoption of this law has set priorities for the gradual development of the industry.

In accordance with the adopted laws and other normative legal acts, a wide range of opportunities for mass privatization of all sectors of the economy has been created, and restrictions in this area have been removed. In 1992-1996 alone, due to the privatization of state-owned property, 1 million 74 thousand people owned housing, 2 million people owned shares in private enterprises in all sectors of the economy, and 3 million people in rural areas. 19,000 people became real estate owners. These numbers, no doubt, meant that important steps had been taken in the

formation of a class of property in society. As a result of the initial reforms, significant institutional changes took place in all areas of economic reform during 1991-1996. In particular, the privatization of housing, trade and services, the press, and small enterprises in various sectors has been completed, and the process of denationalization and privatization of medium and large enterprises has been accelerated.

In this regard, the process of denationalization and privatization of property, the establishment of a diversified economy, the deepening of reforms in agriculture, the creation of a new type of agrarian relations has been carried out. As a result of these measures, radical qualitative changes have taken place in the economy. The share of the non-state, non-governmental, private sector in the economy has risen sharply. In 1995, the sector accounted for 44% of industrial output and 97% of agricultural output. It accounted for more than 44% of all capital investments. Until 2000, 64% of those employed in the economy worked in this sector.

This required a careful study of the problems of transition to market relations at that time and a careful approach to solving them. Especially in the context of the formation of market psychology in the minds of the people, it was necessary to open in the country, first of all, small enterprises for consumer services, catering, trade, processing. In the early years of its independence, the Fund for Support of Private Entrepreneurship and Small Business (Business Fund, July 1995), Madad Insurance Agency, which operates at the national and regional levels to support small business. June 26, 1995), the Chamber of Commodity Producers and Entrepreneurs of Uzbekistan (March 1996) and their regional branches were established. The Association of Peasants and Farmers, the Association of Craftsmen and the Association of Women Entrepreneurs have been established for the development of small business and private entrepreneurship.

But at the same time, there were a number of problems in the industry, the existence of which for several years hindered development. In particular, the share of small and medium enterprises in the structure of enterprises registered before June 1, 1999 was 42.9% in utilities, 85.0% in consumer services, 89.3% in construction, agriculture. In practice, the share of registered and operating enterprises is 20%. only The rest are closed for various reasons, as evidenced by the following examples. If we look at the numbers, 20% of the 7,400 small businesses established in the country in 1996, and 70% of the 3,700 enterprises established in 1998, have been liquidated. As a result, many entrepreneurs have gradually moved away from the business or left the responsibility to the state without starting and finishing the business. For example, in 2000 alone, there were 4,666 small businesses in liquidation in Tashkent alone, of which 54.7% or 2,552 had no founders. Of the total number of liquidated enterprises, 25.6% or 1,194 were liquidated.

President Shavkat Mirziyoyev, who understands these problems correctly and takes a critical approach to them, in his Address to the Oliy Majlis on December 22, 2017, asked: "Why is entrepreneurship not developing as expected in our country? Because there are a lot of cases of unjustified inspections of the

industry. Frankly, we, the government, do not allow the free development of entrepreneurship. Procedures that no one needs are still in place, and many local officials are acting out of self-interest. From now on, the necessary measures will be taken to support this sector and eliminate obstacles and barriers to the rapid and sustainable development of business entities,"he said.

On April 9, 1998, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov "On measures to further stimulate the development of private entrepreneurship, small and medium business" was issued. On August 22, 2001, the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan adopted a resolution "On improving the system of state registration and registration of business entities." The resolution established the Republican Coordinating Council for the Promotion of Small and Private Entrepreneurship. Material and technical resources were sold to small and medium-sized businesses through the Republican Commodity Exchange, Agro-Industrial Exchange, Uzulgurjisavdo.

According to the analysis of the development of the industry during the years of independence, in 2003, many small and medium-sized businesses were established in 5,630 settlements of the country, and about 155,000 new jobs were created. The program provided 1.2 billion soums in charitable assistance to the population in 2003. More than 400,000 women raising children under the age of two have received state benefits. About 180,000 low-income families received financial assistance in the amount of about 4 billion soums. In 2003, more than 25,000 single pensioners and the disabled received financial assistance worth 630 million soums.

As of April 1, 2022, the number of operating enterprises and organizations in the republic (excluding dehkan and farm enterprises) amounted to 542.7 thousand units (of which small enterprises and microfirms - 475.5 thousand units). Compared to the same period last year, the growth in the number of operating enterprises amounted to 9.8% (including small enterprises and microfirms - 10.9%). The largest increase in the number of operating enterprises and organizations was noted in Samarkand (by 19.4%), Kashkadarya (by 13.5%), Khorezm (by 12.5%), Navoi (by 11.8%), Surkhandarya (by 10, 3%), Andijan (by 10.0%), Fergana (by 9.8%), Jizzakh (by 8.5%) regions and the city of Tashkent (by 8.2%). By type of economic activity, the largest increase in the number of operating enterprises is in trade (by 15.2%), healthcare and social services (by 13.4%), agriculture, forestry and fisheries (by 12.7%), information and communication (by 10.6%), accommodation and food services (by 8.5%), industry (by 7.6%), construction (by 6.8%), transportation and storage (by 6.6%). In January-March 2022, 25.0 thousand enterprises and organizations were again created in the republic, of which small enterprises and microfirms amounted to 24.0 thousand units. As of April 1, 2022, the number of operating enterprises with foreign capital in the country reached 13 656 units. Compared to the previous year, the growth in the number of operating enterprises amounted to 11.6% or 1 417 units, of which 6 082 are joint ventures, and 7 574 are foreign enterprises.

In summary, the privatization of regional facilities and non-agricultural land will provide a total of more than 8 trillion soums by the end of the year.

However, privatization needs to continue. Non-performing, inefficient and idle assets need to be identified and put up for auction. To date, 33,000 plots of land have been put up for sale on the basis of property rights, and another 25,000 plots will be put up for auction by July 1. 266 enterprises in the road, transport, oil and gas, energy and automotive sectors should be put up for sale on a separate basis. Many non-sectoral enterprises in the system of network managers are still operating inefficiently. In large sectors, the state's share in 480 enterprises can be transferred entirely to the private sector.

Another way to use vacant buildings is to rent them, if you look at the possibilities. This year, 500 billion soums can be generated through the lease of state-owned property in the regions and sectors. An object that has been vacant for more than three months must be leased or put up for sale. The State Assets Agency needs to establish a system of transparent registration and online monitoring of leases of state-owned enterprises.

References

1. Textbook "NEW HISTORY OF UZBEKISTAN".
2. Associate Professor, National University of Uzbekistan: Bekmuradov Nurali Kholmatovich: "Denationalization and privatization of property in Uzbekistan, transformation processes»
3. <https://unece.org/file>
4. <https://kostalegal.com/legal-alerts/privatization-of-land-in-uzbekistan>

**ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК
ҚОНУНЛАР ВА УРФ -ОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

Салимов Бахриддин Лутфуллаевич
ТДТр.У. профессори в.б.

Мазбутов Давронбек Насим ўғли
ТДТр.У. талабаси.

Жўраев Анварбек Дилишод ўғли
ТДТр.У. талабаси.

Аннотация. Мақолада Конфуцийнинг жамият ва ундаги ижтимоий муносабатлар, тенгсизлик ва нотинчлик ҳақидаги мулоҳазалари, шунингдек, қадимги Ҳиндистондаги кишилик жамиятидаги мазкур муаммо борасидаги фикрлар ҳамда ўтмиш замоннинг барча даврларида яшаган кўп алломалар бу масалага жиддий равишда ёндашишганликлари ва жамият осойишталигини сақлаб, келгусида барқарор ривожланишини таъминлайдиган муҳим омил сифатида қарашгани таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жамият, тенглик, имтиёзлар, тенгсизлик, қонунлар, урф -одатлар.

Аннотация. В статье размышления Конфуция об обществе и общественных отношениях, неравенстве и волнениях, а также его размышления об этой проблеме в личном обществе в Древней Индии, а также то, что многие ученые, жившие во все периоды прошлого, относились к этому вопросу серьезно и рассматривал его как важный фактор, обеспечивающий стабильное развитие общества в будущем.

Ключевые слова: общество, равенство, привилегии, неравенство, законы, традиции.

Кириш. Конфуций бу борада шундай ёзади: «Қонун бўйича бошқариш, жазолаш йўлга қўйилса, халқ сергакланадию ор-номус нималигини ўйламайди. Бошқариш эзгулик асосида бўлиб, урф-одатларга амал қилинса, халқ уялибгина қолмай, итоаткорлик ҳам қилади»¹. Ушбу ибора бугунги кунда мамлакатимизда миллий қонунчиликни ривожлантиришда муҳим тарихий манбаа сифатида хизмат қилишига шубҳа йўқ. Тарихий тажриба ҳам шуни исботлаганки, қонунчиликнинг барча давлатлар ёки халқлар учун бирдек мақбул келадиган универсал варианты йўқ. Ҳар бир ҳудуднинг географик жойлашуви, демографик ҳолати, халқининг менталитети, тарихи, маданияти ва бошқа жиҳатлари ўзига хос тарзда бўлади. Ана шу ўзига хосликлар унинг ижтимоий муносабатларини, жумладан қонунларининг мазмун-моҳиятини белгилаб беради². Ижтимоий муносабатларни тутиб турувчи муҳим халқа сифатида эътироф этилувчи қонунлар бир қарашда

¹ Конфуций. Ҳикматлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2010. - Б. 17.

² Salimov B.L. Expression of Dialectic Categories in the Individual's Social Life // openaccessjournals. eu. International Journal of InnovativeAnalyses and Emerging Technology. Volume: 1, Issue 4, 2021. -P.16-18.

жуда осонлик билан яратилиб, бир текисда, зиддиятларсиз мавжуд бўлгандай кўринсада, аслида ундай эмас.

Муҳокама ва натижалар. Зотан, қонунлар йўқ жойдан бирданига пайдо бўлиб, халқ ҳам дарров уни қабул қилиб кетавермайди. Бундай бўлиши учун эса қонунлар биз юқорида айтиб ўтган талабларга жавоб бериши, халқнинг хоҳиш-иродаси ва талаб-истакларини ўзида ифода этиши даркордир. Аввалроқ таъкидлаганимиздек, қонунлар негизда урф-одатлар ва қадриятлар турсагина у кутилган самарани беради. Шунда давлат раҳбарлари билан халқ орасида тушунмовчиликлар келиб чиқмайди. Акс ҳолда, «Урф-одатларсиз, - дейди Конфуций, - эҳтиром – безовталиққа, эҳтиёткорлик – кўрқоқликқа, дадиллик – ғалаёнга, тўғрилиқ – дағалликқа олиб келади»³.

Хўш урф-одатларни ўзи нима? Унинг таъсир кучи Конфуций эътироф айтганидек шунчалик юқорими? Қўйилган бу саволларга жавоб берарканмиз, аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, инсонни – инсон, миллатни – миллат, халқни – халқ, давлатни – давлат сифатида шаклланишида урф-одатларнинг таъсири беқиёсдир. Бу ижтимоий муносабатларнинг натижасидир. Усиз ҳеч бир мамлакат ўзининг буюк келажагини кура олишининг имкони йўқ. Зеро, буюкликнинг замирида минг йиллик тарихга эга ва ўзига хос бўлган қадриятлар йиғиндиси бўлган урф-одатлар туради. Уларда миллат ва халқнинг кўп йиллик тарихи, қизиқиши, мақсад – муддаолари ифодалангандир. Урф-одатларни асраб – аввайлаш, билиш, ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш замон талабидир. Шундай экан ижтимоий муносабатларни ҳамда унинг муҳим элементи бўлган қонунларни ҳам урф-одатлардан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Қачонки, қонунлар урф-одатларга таянилган ҳолда яратилар экан, унинг таъсир кучи ҳам юқори бўлади. Негаки, бундай қонунлар халққа бегона бўлмайди, аксинча, яқин бўлади. Бунга асосий сабаб, уларда халқ манфатларига устувор аҳамият берилганидир. Натижада давлат раҳбарларининг давлатни бошқаришлари осонлашади. Конфуций ибораси билан айтганда: «Хоқон урф-одатларга амал қилган ҳолда фуқароларни бошқаради; фуқаролар ҳам хоқонга рўйроқ хизмат қиладилар»⁴.

Шу ўринда бир нарсани унутмаслик керакки, юқоридаги фикрлардан зинҳор жамиятни биргина урф-одатларга асосланган ҳолда бошқариш лозим экан деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Тўғри урф-одатларни ижобий аҳамиятлари кўп, биз юқоридаги мулоҳазаларимизда бу ҳақда тўхталиб ўтдик. Лекин, диалектика қоидаларини бир эслайлик⁵, унга кўра оламдаги ҳамма нарса – ҳодисалар ўзгаришда ва ривожланишдадир. Демакким, урф-одатларни замон руҳиятига мослаштирмасак ёки бугунги кун тартибларини инобатга олмасдан кўзланган мақсадга етишиш даргумон. Бу борада Конфуций шундай дейди: «Агар тепадагилар жамиятни бошқаришда урф-

³ Мудрецы Поднебесной. – Симферополь: Реноме, 1998. - С. 82-88.

⁴ Конфуций. Ҳикматлар. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. - Б. 26.

⁵ Salimov B.L. Expression of Dialectic Categories in the Individual's Social Life // openaccessjournals. eu. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. Volume: 1, Issue 4, 2021. -P.16-18.

одатлар ва нарсалар тартибига амал қилсалар халқ уларга ҳурматсизлик кўрсатишга журъат қилмайди»⁶.

Бизнинг назаримизда, тартиб деганда Конфуций ҳам ўз даврининг талаблари ва тартиб-қоидаларини назарда тутган бўлиш эҳтимоли катта. Чунки тартиб бу нарса – ҳодисаларнинг маълум бир давр оралиғида тегишли қонун-қоидалар асносида воқеликда намоён бўлишидир. Шундай экан тартиб ўзида ўзгаришларни, тараққиётни ва ривожланишни ҳам қамраб олади. Бу ўз-ўзидан бевосита ижтимоий муносабатларга тегишли жараёнлар. Зеро, ижтимоий муносабатларнинг бардавомлигини тартибсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тартиб – ижтимоий муносабатларнинг узлуксиз такомиллашувини таъминлаб беради. Тартибга эга бўлмаган ижтимоий муносабатларнинг келажаги ҳам бўлмайди. Хоҳ яқин олинган инсон ҳаётини олинг, хоҳ оила, жамоалар борингки жамият миқёсида ҳам тартиб бўлиши тақозо этилади. Ижобий тушунча сифатида эътироф этиладиган тартиб бўлган жойда ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ва келгусида ҳам ижобий тенденциялар биргаликда намоён бўлишини кузатишимиз мумкин. Конфуций ўз даврида айтиб ўтганидек, «Юқори табақа дао ва ли тартибларини севса, қуйи табақа шод бўлса, жамиятда осойишталик ва камолот қарор топади». Бу ўринда дао ва ли ўша замон учун энг илғор тартиблар, яъни энг мақбул тараққиёт йўли саналган.

Лекин, шу бир нарсани унутмаслик лозимки, фақат тартибларни бўлишигина жамиятни юксалишини таъминлаб бера олмайди⁷. Зеро бунинг учун жамиятда белгиланган тартибларга ҳамма бирдек риоя этишлари талаб этилади. Айниқса, давлатни бошқараётган табақа вакилларининг тартибларга риоя этишлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу шуниси билан аҳамиятлики: биринчидан, жамиятнинг юқори табақа вакилларининг билимлари, кўникмалари, тажрибалари баланд ва умуман олганда бошқа жиҳатдаги имкониятлари юқорироқдир; иккинчидан, ҳар қандай жамиятдаги мавжуд тартиблар ўша жамиятдаги юқори, яъни элита табақа вакиллари томонидан яратилади; учинчидан, юқори табақа вакиллари камчилик бўлганлари учун қолган жамият аъзолари томонидан доимий равишда назорат остида бўладилар; тўрттинчидан, юқори табақа вакилларини хатти-ҳаракатлари бошқалар учун ўрнак бўлиш хусусиятига эга, шунингдек, нафрат уйғотиши ҳам мумкин⁸.

Конфуций жамият ва ундаги ижтимоий муносабатлар ҳақида мулоҳаза юритар экан у тенгсизлик ва нотинчлик борасида ҳам тўхталиб ўтади. Айтиш мумкинки, кишилиқ жамиятидаги мазкур муаммо мана бир неча минг йилки ўз қадр-қимматини йўқотмасдан келаётир. Ўтмиш замоннинг барча

⁶ Радуй-Затуловский Я.Б. Конфуцианство и его распространение в Японии. – М.Л.: изд АН СССР, 1947. – С. 149.

⁷ Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

⁸ Салимов Бахриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.

даврларида яшаган кўп алломалар бу масалага жиддий равишда ёндашишган ва жамият осойишталигини сақлаб, келгусида барқарор ривожланишини таъминлайдиган муҳим омил сифатида қарашган. Улар, нафақат ўзлари яшаётган жамиятни, балки, келгуси авлодлар яшайдиган жамиятларни юксалтириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш кераклиги борасида бош қотиришган. Бу борада Конфуций: «Давлат бошқарувчилари ва оила бошлиқлари камбағалликдан эмас тенгсизликдан кўрқишлари, шунингдек, ёлғизликдан эмас, осойишталик йўқлигидан кўрқишлари керак. Негаки, моддий бойликларни тенглик билан тақсимланиши камбағаллика йўл кўймайди. Ҳамма нарса бир-бирига ўзаро мувофиқ келадиган, ривожланган жамиятда эса ёлғизлик йўқ. Шунинг баробарида осойишталик ҳукм сурган жамиятда хавф-хатарлар остида яшайдиганлар бўлмайди»⁹.

Қадимги машҳур фалсафий оқимлардан бири даосизмда ҳам тенглик асосий ғоялардан бири сифатида эътироф этилган. Улар қадимий даврларда, яъни ибтидоий жамоа тузумида мавжуд бўлган, мутлоқ тенглик ҳукм сурадиган ҳаёлий идеал жамиятга қайтишни орзу қилишган. Уларнинг назарида бундай жамиятда “Ҳукмдор ҳам, унга тобе инсонлар ҳам йўқ. Одамларга кишан тақилмаган ва бирон бир нарсага мажбуран боғлаб кўйилмаган. Ҳамма нарсани ўзлари яратганлар. Қурол-яроғни билмаганлар, зўравонликларга чидашга мажбур бўлмаганлар. Шон-шуҳрат ва шармандали ҳолатларни ҳам кўрмаганлар. Кўшинларга бирлашишмаган ва ҳарбий юришларда ҳам иштирок этишмаган»¹⁰. Кўриниб турганидек, ушбу хулосаларда утопик, яъни ҳаёлий жамият ҳақида мулоҳазалар юритилган. Гарчанд, унда юксак инсоний ғоялар мадҳ этилган бўлсада, аммо ҳақиқий, реал ҳаётда бу ғояларнинг руёбга чиқиши ўта мушкул ишдир. Негаки, барча инсонлар бир хилда фикр юритишмайди, уларнинг орзу-умидлари ва интилишлари ҳам ҳар хил. Шундай экан, ҳеч қандай куч ёки ғоя ва мафкуралар инсонлар ҳаётини бир хил қолипга тушириш қудратига эга эмасдир. Лекин, бу тенглик керак эмас деган хулосага олиб бормаслиги лозим. Ижтимоий муносабатларнинг барқарор фаолият юритиши учун ушбу муносабатларнинг субъекти бўлган одамлар орасида тенглик ўрнатилиши керак. Ижтимоий муносабатларнинг система сифатида барқарор ишлаши, ижтимоий муносабатлар доирасида имтиёзлар бўлмаслигини тақозо этади. Имтиёзларнинг у ёки бу тарзда берилиши тенгсизликни келиб чиқишига сабаб бўлади. Аввал кичкина, арзимас бўлиб туюлган тенгсизликлар эса кейинчалик авж олиб жамиятларни инқирозга олиб боровчи жуда катта ижтимоий хавфга айланиб кетиши мумкин¹¹.

⁹ Федор Конюхов, Валерий Болотов. Конфуций. - Владивосток-Пекин: 2010. - С. 22. 费多尔新郎 瓦列里博洛托夫 孔夫子 海參崴 - 北京 2010. 22.

¹⁰ Е.А.Торчинов. ДАОСИЗМ. «ДАО-ДЭЦЗИН» - Санкт-Петербург: Издательство «Азбука-классика», «Петербургское Востоковедение», 2004. - С. 62.

¹¹ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

Қадимги Ҳиндистондаги фалсафий – диний оқимларда ижтимоий муносабатлар ўзига хос тарзда таҳлил этилган. Бу ердаги «Барча фалсафий мактабларнинг ягона мақсади бу – ҳаммани бахт-саодатга эришиш йўлини ёритишдан иборат» бўлган. Ўзи инсоният онгли мавжудот сифатида фаолият кўрсатаётган пайтдан бошлаб қай тарзда ўзи учун бахтли ҳаётни таъминлаш борасида бош қотириб келган. Албатта, бу ўринда бахт тушунчаси турли замонларда турлича мазмун аҳамият касб этиб келган. Масалан, қадимий ибтидоий жамоа тузумининг илк босқичларида тирик қолиш учун озиқ-овқат топиш ва оддий бошпанага эга бўлиш одамлар ҳаётининг бош мақсади бўлган. Ибтидоий одамларнинг барисини бутун умрлари ана шу кундалик эҳтиёжларини қондириш йўлида ўтиб кетган. Эркакларнинг доимий вақтлари овда ўтган бўлса, аёллар эса кун буйи рўзғор юмушлари билан банд бўлишган. Минглаб, ўн минглаб ва юз минглаб йиллар ана шу тарзда давом этган. Чорвачилик ва деҳқончиликни ҳамда ҳунармандчиликни вужудга келиши ва ривожланиши билан одамларнинг турмуш тарзлари ва ҳаётга бўлган муносабатлари ўзгара борган. Одамлар фақат бугунни эмас, балки эртанги кунни ўйлаб ҳам яшай бошлашган. Ҳайвонларни ҳонакилаштирилиши ва кўпайтирилиши одамларнинг гўштга бўлган эҳтиёжини қондириб, уларни доимий тарзда ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб овда юришларига чек қўйган. Деҳқончиликни йўлга қўйилиши орқасидан эса бир неча кунларга ва ойларга, ҳаттоки йилларга етадиган мўл-кўл ҳосил тўплаш имконини берган. Одамлар энди емиш қидириб сарсон-саргардон бўлиб юриш азобидан халос бўлишган. Ҳунармандчиликнинг тараққий этиши одамлар ҳаётини қулайлаштиришга, уларнинг маиший турмушларининг яхшиланишига хизмат қила бошлаган. Ҳунармандчиликнинг темирчилик, кулолчилик, туқувчилик, заргарлик каби соҳаларининг ривож ва меъморчиликнинг шаклланиши кишилик тарихида янги босқичга йўл очиб бера бошлади. Шу тариқа одамларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари ўзгариб, улар энди бахт деганда фақат шунчаки кун кечириб эмас, балки эртанги кун учун, келажак учун яшашни, бунинг учун доимий меҳнат қилиш ва изланишда бўлиш лозимлигини англай бошладилар¹².

Бироқ, инсоният ҳар доимо ўз хоҳлагандек яшай олмаган. Минглаб йиллар мобайнида ҳукм сурган ижтимоий муносабатлар инсонларга ўзлари орзу қилган бахтга етишиш имконини бермаган. Ижтимоий муносабатлар доирасидаги зиддиятлар авж олган бўлиб, асосий бойликлар ва ҳукмронлик жамиятдаги муайян ижтимоий қатламлар қўлида бўлган ва улар роҳат-фароғатда яшашган¹³. Жамиятдаги мавжуд бошқа кўпчилик одамларнинг ҳаёти эса мақтагуйлик аҳволда бўлмаган. Муҳтожлик ва ноҳақлик улар турмуш тарзининг оддий ҳамроҳи бўлган. Ўз замонасининг илғор фикрли

¹² Салимов Бахриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.

¹³ Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

кишилари ўша даврлардаги ижтимоий адолатсизликларнинг мавжудлигини тушуниб етишган ва уни бартараф этиш чора-тадбирларини излашган. Улар жамиятда яшовчи ҳамма инсонларни аҳилликда, фаровонликда, тинч-осуда бахтли ҳаёт кечиришларининг тарафдори бўлишган. Бунинг учун ўз ғоя ва қарашларини илгари суришган ҳамда жамият ҳаётига нисбатан татбиқ этишга даъват этишган. Лекин, аввалги даврлардаги ижтимоий муносабатларнинг табиати, ҳукмрон бошқарувчи синф вакилларининг шавқатсизлиги, боз устига паст табақа вакилларининг, ўша давр ибораси билан айтганда, авом халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги ва бунинг учун курашиш лозимлигини англаб етмаслиги, бирдамликнинг йўқлиги, лоқайдлик ва мутейлик кайфиятининг устуворлиги уларнинг бахтли ҳаётга эришишларига монеълик қилган.

Хулоса. Оқибатда, воқеликнинг асл моҳиятини англаб етмаган одамларнинг бу ҳаётда бахтга эришишга бўлган умидлари сўнади ва улар «Инсон юксак бахт-саодатга эришиш учун ўзи яшаб турган мавжуд борлиқликдан воз кечиши керак» чунки ҳақиқий «Бахт бу дунёдаги эмас, балки у дунёдаги бахтдир» деган хулосага келишади. Ушбу мазмундаги хулоса нафақат Ҳиндистонда, балки бошқа ҳудудларда ҳам кенг тарқалган. Зеро, жамиятлардаги ижтимоий тенгсизлик, кўпчилик халқнинг машақатли турмуш тарзи, бахтли ҳаётдан мосуво бўлиши ҳамма жойда бирдек мавжуд бўлган. Бу ҳаётда бахтли бўла олишга кўзи етмаган оддий халқ учун эса нариги дунёда роҳат-фароғатда яшашни ваъда қилувчи фалсафий ва диний таълимотлар жуда хўш келган. Лекин, буни тўғри мазмундаги хулоса деб бўлмайди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиб кетиш лозимки, ўрта асрларда яшаб ўтган Марказий Осиёлик буюк алломалардан бири Абу Наср Форобийнинг таъкидлашича¹⁴, жоҳиллар шаҳри тоифасига кирувчи «Адашган шаҳар аҳолисининг фикрича, бахт-саодатга фақат ўлгандан кейин етишиш мумкин»¹⁵.

References

1. Конфуций. Ҳикматлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2010. - Б. 17.
2. Мудрецы Поднебесной. – Симферополь: Реноме, 1998. - С. 82-88.
3. Федор Конюхов, Валерий Болотов. Конфуций. - Владивосток-Пекин: 2010. - С 22. 费多尔新郎 瓦列里博洛托夫 孔夫子 海參崴 - 北京 2010. 22.
4. Е.А.Торчинов. ДАОСИЗМ. «ДАО-ДЭЦЗИН» - Санкт-Петербург: Издательство «Азбука-классика», «Петербургское Востоковедение», 2004. - С. 62.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 163.

¹⁴ Салимов Бахриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.

¹⁵ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 163.

6. Salimov B.L. Expression of Dialectic Categories in the Individual's Social Life // openaccessjournals. eu. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. Volume: 1, Issue 4, 2021. -P.16-18.
7. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
8. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.
9. Салимов Б.Л. Философская роль диалектических категорий в жизни человека // Историческая психология и социология истории (historical psychology & sociology). – М., 2020. Т. 13. -№1. -С. 111-119.
10. Салимов Бахриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.

**БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТНИНГ МОҲИАТИ ВА УНИНГ
АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ**

Холиқов Юнус Ортиқович

Самарқанд давлат чет тиллар институти

*Гуманитар фанлар ва ахборот технологиялари кафедраси доценти фалсафа
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация. Ушбу мақолада Жамиятда бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг ахлоқий асослари фалсафий жиҳатдан очиқ берилган.

Шунингдек аҳоли, айниқса ёшларни тарбиялашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, ёшларнинг бағрикенглик маданиятининг мезонлари, меъёрлари ва тамойилларини аниқлаш, бу муаммога ахлоқий тамойиллар билан тизимли ёндашув асосида илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш объектив зарурият эканлиги ақс этган.

Калит сўзлар: Маънавият, миллатлараро, дунёқараш, бағрикенглик, маданият, маърифат, глобаллашув, менталитет, миллий қадрият, урф-одат, илм-фан, миллат, элат, провард, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик.

Annotation. This article philosophically reveals the moral foundations of the development of a culture of tolerance in society.

It was also reflected that it is objectively necessary to develop effective mechanisms for educating the population, especially young people, to determine the criteria, norms and principles of the culture of tolerance of young people, to conduct scientific and practical research on this problem based on a systematic approach with ethical principles.

Key words: Spirituality, internationalism, worldview, tolerance, culture, enlightenment, globalization, mentality, national value, tradition, science, nation, elat, provard, tribalism, localism.

Аннотация. В данной статье философски раскрываются нравственные основы развития культуры толерантности в обществе.

Также было отражено, что объективно необходимо разработать эффективные механизмы просвещения населения, особенно молодежи, определить критерии, нормы и принципы культуры толерантности молодежи, провести научно-практические исследования по данной проблеме на основе системный подход с этическими принципами.

Ключевые слова: Духовность, интернационализм, мировоззрение, толерантность, культура, просвещение, глобализация, менталитет, национальная ценность, традиция, наука, нация, элат, провард, трайбализм, местничество.

Бағрикенглик бу – ақли кишиларнинг имкониятидир, улар мулоқот ва фикрлар хилма-хиллиги орқали ҳақиқат йўлида олға силжишларига шубҳа қилмайди. Бундан ташқари, бағрикенгликнинг асоси – бу бошқа одамни худди у каби қабул қилишда, бошқа нуқтаи назарни ҳурмат қилишда, сиз улашмайдиган нарсада чекланишда, бошқа миллат ва дин вакилларининг урф-одатлари, қадриятлари ва маданиятини тушунишда ва қабул қилишда намоён бўлади. Шу билан бирга, бағрикенглик ҳар қандай қарашлар ва

ҳаракатларга бепарқликни англамайди. Масалан, ирқчилик, зўравонлик, таҳқирлаш, манфаатлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилишига дош бериш ахлоқсиз ҳисобланади.

Биз яшаётган маконда азал-азалдан бағрикенглик (толерантлик) туйғулари қадрланиб келинган. “Ота-боболаримиз неча минг йиллар мобайнида шу ҳудуд, шу минтақада неча асрлар мобайнида ҳамжихат бўлиб, миллий қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда”¹⁶.

Бағрикенглик – бу яхлит сифат. Агар у шаклланган бўлса, у барча ҳаётий вазиятларда ва барча одамларга нисбатан ўзини намоён қилади. Шу билан бирга, тажриба шуни кўрсатадики, одам қариндошлар, танишлар билан муносабатларда толерант бўлиши мумкин, аммо бошқа эътиқод ёки миллатга мансуб одамларга бепарволик, сабрсизлик иллати мавжуд. Айнан ана шу иллатлар “провардида” уруғ-аймоқчилик ёки маҳаллийчиликнинг шаклланишига замин яратади. Ана шуларни инобатга олиб бағрикенгликни дахлдорлик субъектидан ва соҳасидан келиб чиқиб, шахслараро, ижтимоий, миллий бағрикенглик ва диний бағрикенгликка ажратиш мумкин. Шахслараро бағрикенглик маълум бир одамга нисбатан намоён бўлади; ижтимоий – маълум бир гуруҳга, жамиятга; миллий – бошқа миллатга; диний бағрикенглик – бошқа эътиқодга нисбатан намоён бўлади. Ёшларда бағрикенгликни тарғиб этишга қаратилган ишларни режалаштиришда ушбу жиҳатларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

“Бағрикенглик”, кўпинча, “миллатчилик”нинг антоними сифатида қаралади. Миллатчилик – бу ўз миллатини ўзгалардан устун қўйиш, ўзгаларни камситиш хусусиятига эга, айнан ана шу хусусиятлари бағрикенгликка зид ҳисобланади. Миллатчиликнинг асосини миллий эгоизм ва миллий худбинлик ташкил этади.

Миллий эгоизм – бу ўз маданиятининг тўғрилигига, бошқа маданиятнинг меъёрларини нотўғри, паст, эстетик бўлмаган деб рад этишга мойиллик бўлса, миллий худбинлик, кўпинча, кенг кўламли можаролар ва урушларнинг сабабидир. Шахсий даражада турли маданиятлар ва халқлар вакиллари ўртасидаги мулоқотда қийинчиликлар туғдиради.

Кўпинча, миллатчилар нафақат миллий-давлат тақдирини ҳал этиш тарафдорлари, балки миллий устунлик ва бошқа миллат вакилларига нисбатан муросасизлик ғояларини тарғиб қилишда зўравон усулларни қўллаб-қувватловчилар ҳисобланади. Шу ўринда, миллатчилик ва миллатпарварликни адаштириб юбормаслик ҳам муҳим. Сабаби миллатпарварлик ижобий туйғу, унда бағрикенглик хусусиятлари намоён бўлади. Унинг миллатчиликдан энг асосий фарқи ўзга миллатларни ҳурмат қилишда ва уларни қарашлари ва хати-ҳаракатлари бағрикенглик билан

¹⁶Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч// – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 10.

йўғрилганлигида намоён бўлади. Умуман, бу масала алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб бу ҳақда тўхталмадик.

Шундан келиб чиқиб Ҳадислардан намуналар келтириб ўтадиган бўлсак: «Ўзингга ёққан нарсани ҳам бошқаларга ҳам раво кўр», «Зиёратингизга келган одам ҳурматини жойига қўйинглар», «Қайси бирларингиз ўзингиздан бойроқ ёки ахлоқлироқ одамни кўриб қолсангиз, дарҳол ўзингиздан камбағалроқ ва ахлоқсизроқ одамлар ҳам борлигини эсланг», «Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизга шундай бўлурлар», «Одамларга таом едиринглар ва ширин сўз бўлинглар, очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг», «Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир», «Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар, шунда меҳрумуҳаббат уйғонур», «Имоннинг афзали сабр ва кенг қалбли бўлишдир».

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев динлараро бағрикенглик ғояси юксак маънавий кадрият сифатида азалдан халқимизнинг онгу шуурида шаклланиб келгани, у мамлакатимизда кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишининг асосий тамойилларидан бири экканлиги ва жамиятимизда ўта муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида фикр билдирар эканлар, “Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устивор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўз исботини топди”,¹⁷ деб таъкидлайдилар.

Юқоридаги ёндашувларда бағрикенгликнинг асосини сабр ва чидамлилиқ ташкил этиши ҳақида қарашлар мавжуд. Аммо бағрикенглик сабр ва чидамдан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Сабр, кўпинча, оғриқни, зўравонликни ёки бошқа салбий таъсирни бошдан кечириётган одам томонидан ҳис-туйғу ёки ҳаракатни ифодаласа-да, бағрикенглик бошқаларнинг ҳурматини ёки тан олинисини, ҳукмронлик ва зўравонликни рад этишни ўз ичига олади. Шундай қилиб, сабр-тоқат тушунчаси билан кўплаб манбалар томонидан аниқланган бўлса ҳам, бағрикенглик тушунчаси янада кенгроқ мазмунга эга.

Хулоса қилиб айтганда ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгида шаклланган ахлоқий бағрикенглик ғояларини миллий менталитетимиз билан уйғун ривожланиб боришини таъминлашимиз, оммавий ахборот воситалари ёки бошқа ижтимоий тармоқлар орқали ёшларнинг онгига сингдиришга қаратилган интолерант ғояларнинг олдини олишимиз даркор. Бунда, аввало, ёш улуғ кишиларимиз ўзларининг тажриба ва билимларига таяниши, ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқий тафаккур доирасини миллий ўзлик туйғуси билан бойитиши лозим.

Фойдалангана дабиётлар рўйхати

¹⁷ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 295.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч// – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 10.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 295.
3. Xoliqov Y. The role of ethics and education in the development of tolerance relations between uzbekistan and the nation in the process of development //International Conference on Problems of Improving Education and Science. – 2022. – Т. 1. – №. 02.
4. Xoliqov Y. O. Yangi o ‘zbekistonda bag’rikenglikni rivojlantirishda millatlararo aloqalarning mohiyati //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 23. – С. 764-774.
5. Холиков Ю. А. Ўбекистонда миллатлараро бағрикенглик инсонпарварликнинг асосий тамойили сифатида //философия и жизнь международный журнал. – 2022. – №. SI-1.
6. Kholikov Y. O. Issues of education of youth on the ethical basis of international culture and tolerance at the age of globalization //Philosophical Readings. – 2021. – Т. 13. – №. 4. – С. 1917-1922.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ ШАРҚ МУСИҚА ИЛМИНИНГ АСОСЧИСИ**Шокиров Тохиржон Нурмаматович***Фарғона давлат университети Санъатишунослик факультети**Вокал ва чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация. Мазкур мақолада шарқ мусиқа илмининг асосчиси Абу Наср Форобийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва ёзган асарлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Буюк мутафаккир, Фороб, шарқ, китоб таржима, ҳикоя.

Ўрта аср буюк мутафаккири Абу Наср Форобий (873-950) - Шарқ мусиқа илмининг асосчисидир. Шарқда Форобий ёки Абу Наср ал-Форобий (Farbda-Pharabius) номи билан машҳур алломанинг тўлиқ исми шарифи – Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуқ ибн Тархон ал-Форобий ат-Туркий ал-Муаллиму-с-соний. Бу тўлиқ исми шарифда Абу Наср куниядир, Муҳаммад унинг ўз исми, Муҳаммад отасининг исми, Ўзлуқ бобосининг исми, Тархон-катта бобосининг исми, Форобий, унинг туғилган ери Форобга нисбат, Туркий - унинг келиб чиқишининг туркий эканига ишора ва Ал-муаллиму-с-соний (Иккинчи Муаллим, Арастудан кейинги иккинчи муаллим маъносида) замондошлар ва халафлар томонидан берилган юксак илмий унвондир.

Ўрта аср фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшган бу олим билим-маърифатнинг кўп соҳаларини эгаллаган ва ўзидан кейин салмоқли мерос қолдирган. Форобий риёзиёт ва фалакиёт, табобат ва мусиқа, мантиқ ва фалсафа, тилшунослик ва адабиёт соҳаларида қалам тебратган, бу соҳаларнинг ҳар бирида ажойиб асарлар яратган. Форобий юнон, сурёний ва бошқа тилларни билган. Айрим манбаларда Форобий етмишдан ортиқ тилни билгани айтилади. XV асрнинг мусиқа назарийчиларидан бири Шарқнинг йирик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий ўзининг “Мусиқа ҳақида рисола”сида Форобийни буюк мусиқашунос олим сифатида тилга олади. Қ.Сартон Форобий мусиқашунослик соҳасида ҳам “ўз даврининг Европа назарияларидан анча олдинда эди” деб кўрсатади. Француз арабшунос олими Карра де Воо Форобийни мусиқа санъатидаги хизматларини таъкидлаб, бундай деб ёзган эди: - “Форобий яна буюк мусиқачи ҳам эди. Биз унинг шарқ мусиқаси назарияси бўйича энг муҳим асарлари учун ундан миннатдормиз” – деб ёзган эди.

Олимнинг таржимаи ҳоли ҳақида араб олими Ибн Абу Усайбиа (1203—1270) бундай ёзади: —Абу Наср Форобий бир канча вақт Бағдодда яшади, кейин Шом (Сурия) га кўчиб келиб, умрининг охирига қадар шу ерда туриб қолди. У етук файласуфлардан, фозил донишмандлардан бири эди. фалсафага оид фанларни мукамал биларди. Абу Наср Форобий мусиқа илмидан ҳам дурустгина хабардор эди. Бу илмга оид назарияни яхши биларди. Улуғ файласуф ва мусиқа назарийчиси турли мамлакат олимлари эътиборини ўзига тортди. Унинг маърузаларида, суҳбатларида одам тирбанд бўлар эди. У мумтоз ва фаол мусиқачи, уд созида беназир ижрочи ҳам бўлган. Ибн Аби Усейбианинг ёзишича, Форобий “Мол-дунё билан ҳеч иши йўқ эди, “ўлмас

овқат” га чидаб яшайдиган серқаноат одам эди. Унинг феъл-атвори худди қадимги файласуф-ҳакимлар одобига ўхшарди”¹⁸. Форобийнинг ажойиб ишларида бири мусиқа соҳасида ёзган асарларидир. Маълум бўлишича, Форобий ёшлигидан бошлаб мусиқага берилган, ўша пайтларда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган мусиқа асбобларини яхши чала билган. Шу билан бирга у мусиқа назариясини ҳам мукамал эгаллаган. Абу Наср Форобийнинг асарлари рўйхатида унинг бу соҳага оид бир қанча асарларини кўришимиз мумкин.

1. “Қатта мусиқа китоби” нинг биринчи китоби. Бу китобнинг тўлиқ танқидий матни нашр этилган. У тўлалигича фақат француз тилига эркин таржима қилинган, айрим бўлақлари кўп тилларга, жумладан ўзбек, қозоқ, рус тилларига ўгирилган ва ўрганилган. Унинг қўлёзма матнлари дунёнинг турли кутубхоналарида мавжуд, хусусан, энг қадимийси 1138 йил Ибн Божжа учун кўчирилган матни Мадрид кутубхонасида 602 - рақам остида сақланмоқда. Ундан ташқари 1257 йил кўчирилган Константинополь (Истанбул) кутубхонасида 22 - рақам остида сақланаётган матн, 1347 йил кўчирилган Милан кутубхонасида 289- рақам остида сақланаётган матн ва 1089 йил кўчирилган матндан 1537 йил кўчирилган Лейден кутубхонасида 1427 - рақам остида сақланаётган матнларни кўрсатиб ўтиш мумкин¹⁹.

2. “Ийқо саноғи китоби” ёки “Ийқо саноғи ҳақидаги китоб”. Бу китобнинг қўлёзма матни Истанбулдаги Маниса кутубхонасида 1705 - рақам остида (59а-81в, давоми 88а-89в варақлар) сақланмоқда. Немис тилига таржима қилинган²⁰.

3. “Ийқолар китоби”. Бу китобнинг қўлёзма матни Туркиянинг Тўпқоқи саройи Аҳмад III кутубхонасида 1878 - рақами остида (160в-167а бет) сақланмоқда. Немис тилига таржима қилинган. Ўзбек тилида Форобийнинг ийқо назариясига оид тадқиқоти бор²¹.

4. “Илмлар саноғи” китобининг мусиқага бағишланган бўлими. У икки варақни ташкил этади. Ўрта аср Ғарб олимлари “De scientiis” деб атаганлар. Араб матни кўп бор нашр этилган. Бир неча тилларга таржима қилинган, жумладан рус, ўзбек, қозоқ тилларига.

5. “Илмларнинг пайдо бўлиши” асарининг мусиқага бағишланган қисмининг лотинча таржимаси “Dt ortu scientiarum” номида сақланган, рус тилидаги таржимаси ҳам бор, русча таржима асосида ўзбек тилига ҳам ўгирилди, аммо асли - арабча матни сақланмаган²².

Ибн Абу Усайбианинг ҳикоя қилишича, Форобий ажойиб бир мусиқа асбоби ясаган, ундан жуда ҳам гўзал, ёқимли куйлар эшитиш мумкин бўлган, ҳатто бу куй эшитувчини жуда ҳам завқлантириб юборган. Форобийнинг мусиқа соҳасида билимдон киши эканлигини ўша даврда тўқилган бир

¹⁸ Ирисов Ал- Муаллиму-с-Соний. // Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: А.Қодирий нашриёти, 1993. - Б. 9.

¹⁹ Зокиржон Орипов. X-XV асрлар марказий осий мусиқа манбашунослиги. Тошкент- 2017. 27- бет

²⁰ Зокиржон Орипов. X-XV асрлар марказий осий мусиқа манбашунослиги. Тошкент- 2017. 28- бет

²¹ Зокиржон Орипов. X-XV асрлар марказий осий мусиқа манбашунослиги. Тошкент- 2017. 27- бет

²² Зокиржон Орипов. X-XV асрлар марказий осий мусиқа манбашунослиги. Тошкент- 2017. 28- бет

ҳикоядан ҳам билиш мумкин. Ҳикояда Форобий Шом амири саройига кириб, мусиқа чалиб, у ердагиларни ухлатиб чиқиб кетади. Бу нақл ҳам Форобийнинг мусиқа донишмандигина эмас, балки унинг уста ижрочиси ҳам бўлгани ҳақида ўша пайтларда пайдо бўлган ҳикоятдир. Шунингдек мусиқа илмининг математик назариясини ишлаб чиқишда Абу Наср Форобийнинг хизматлари катта. Форобийнинг санъатга оид қарашларида эзгулик билан гўзаллик маълум маънода айнанлаштирилади, бири иккинчисида яшовчи ҳодисалар сифатида талқин этилади. Шунинг учун унинг асарларида гўзал хатти-ҳаракатлар, гўзал қилмишлар деган ибораларни кўп учратиш мумкин. Санъатда гўзалликка етишишни у фалсафа туфайли рўй беради, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, ҳар бир санъат ҳодисасининг гўзаллиги унинг ўз борлигини тўла намоён этиши ва мукамалликка эришуви билан боғлиқ. Аллома файласуф ички гўзалликни юқори қўяди ва бу бойнинг бойлигини безаб, камбағалнинг камбағаллигини яширадиган гўзалликни адаб деб атайди. Бундай гўзаллик юксак ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва инсоний комилликда ўзини намоён этади. Ташқи гўзалликка келганда, файласуф табиий гўзалликни ҳар қандай безаниш, ясанишлардан юқори қўяди. Иккинчи муаллим санъатнинг тақлидийлик хусусиятига эгаллигини таъкидлайди. Ана шу тақлидийлик идрок этувчида ҳиссиёт ва тасаввур уйғотади. Санъаткор ўз хаёлот кучи, ижодий қудрати билан умумий ғояларни яқка қиёфаларда инъикос эттиради. У нутқнинг турларини мантиқий нуктаи назардан тадқиқ этар экан, шеърий нутқни мутлақ ёлғон, софистик нутқни асосан ёлғон, хитобий нутқни бир хилда ҳам ёлғон, ҳам рост, диалектик нутқни асосан рост, исботий (аподиктик) нутқни мутлақ рост дейди.

Шеърий нутқнинг мутлақ ёлғон деб аталиши кишига дастлаб эриш туюлади. Лекин аслида Форобий ҳақ. Форобий санъат асари оддий мантиқ илми қонун-қоидаларига бўйсунмайдиган ўзига хос мантиққа, бадий мантиққа эга бўлишини таъкидлайди.

Бошқа бир ўринда, Шеър санъати рисоласида у юқоридаги фикрларини давом эттириб, шундай деб ёзади: исботда илм, тортишувда иккиланиш, хитобада ишонтириш қанча аҳамиятли бўлса, шеъриятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади.

Арасту изидан бориб, Муаллими ас-соний шеъриятни тасвирий санъат билан қиёслайди ва ҳар иккала санъат тури ҳам моҳиятан бир хил асосга тақлидга бориб тақалишини айтади: ..шеър санъатини безайдиган нарсалар сўз, мулоҳазалар бўлса, рассомлар санъатини безайдиган нарса бўёқлар саналади. Буларнинг иккови ўртасида фарқ бор, аммо иккаласи ҳам одамлар тасаввури ва сезгиларида бир мақсадга тақлид қилишга йўналган бўлади. Форобий кўп жилдлик «Мусиқа ҳақидаги катта китоб» асарида мусиқий билимни иккига ижро санъати билан боғлиқ бўлган мусиқий амалиётга ва мусиқанинг соф ўзини, ижрочиликка боғланмаган ҳолда ўрганадиган назарияга ажратади. Китобда оҳанг тизимидаги уйғунлик, зарб сингари ҳодисалар таҳлил этилади. Шу муносабат билан утовушларни эмас, балки товушлар тасаввурини берувчи раққосларнинг мусиқий ғояга бўйсунган оҳангий ҳаракатини англаувчи ритмик мимика оҳангий ҳаракат

тушунчасини киритади. Шунингдек, китобда Яқин ва Ўрта Шарқда маълум бўлган мусиқий асбоблар, уларни ижро этиш йўллари, усуллари ҳақида, умуман, мусиқа тарихи тўғрисида атрофлича маълумот берилган. Файласуф мусиқадан олинадиган лаззат мусиқий уйғунликнинг маконда ёйилишидан, пардаларнинг навбатма-навбат келишидан деб билади. Мусиқада гап товушнинг ўзида эмаслигини, балки уни қандай чиқариш муҳим эканини айтади, яъни бизда ёқимли ёки ёқимсиз сезгини товушнинг ўзи эмас, балки уни пайдо қилиш усули уйғотади. Мусиқанинг келиб чиқишини эса инсон нутқининг бойлиги билан боғлайди: хушомад қилаётганда овоз пасаяди, мағрур сўзлаётганда қатъий жаранглайди. Мусиқа инсон кайфиятига тақлидир, дейди Абу Наср Форобий.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sodirzoda, M. M. (2021). TO INCULCATE NATIONAL AND SPIRITUAL VALUES IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS THROUGH ETIQUETTE LESSONS. *Conferencea*, 31-32.
2. Gulnoza, R., & Lola, K. (2022). OBRAZLAR TALQINIDA LINGVISTIK IMKONIYATLAR. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 3), 91-95.
3. Sodirzoda, M. M. (2021). Ways to cultivate the creative thinking of beginners in the classroom through information and communication technologies. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 955-958.
4. Sodirzoda, M. M. (2021). Techniques of using folk proverbs in the cultivation of oral speech of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 481-484.
5. Jabborova, M. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE SOCIAL DEVELOPMENT OF SOCIETY. *Экономика и социум*, (6-1), 129-132.
6. Jabborova, M. (2022). BO'LAJAK PEDAGOGLARNI TAYYORLASH TIZIMIDA MALAKAVIY AMALIYOTNING ROLI. *Scientific progress*, 3(4), 167-173.
7. Kodiraliyevna, J. M. (2022). TARBIYACHI KASBINING MA'NAVIY AXLOQIY NEGIZLARI. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 64-70.
8. Zhabborova, M. R. K. (2021). Мактабгача таълим соҳаси талабаларида бошқарувчанлик қобилиятларини ривожлантириш. *Молодой ученый*, (17), 394-395.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚУРИШ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИ*Сагиндиқов Жубатхан Науырзович**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети доценти ф.ф.н.*

Аннотация. Мақолада, бугунги кунда, бутун дунё микёсида ва бизнинг давлатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам диний бағрикенглик, толерантлик, тотувлик, ғояси долзарб масалалардан бири булиб турганлиги, дунёда булаётган бу ҳодисалар бизнинг давлатимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгани сўз этилади. Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва динлараро муносабатларни янада яхшилашга, турли динларга мансуб қадириятларни асраб-абайлашга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилиаётганлиги курсатилган.

Янги Ўзбекистонни кўриш жараёнида диний бағрикенгликнинг қарор топиши, мустаҳкамланиши, ривожланиши барча кишиларнинг эътиқодидан қатъий назар миллий ғояни амалга ошириш йўлида бирлаштириш учун хизмат қилиши таъкидлаб утилади.

Калит сузлар: Янги Ўзбекистонни куриш, диний бағрикенглик, толерантлик, тотувлик, динлараро, конфессиялараро зиддиятлар, виждон эркинлиги ва диний-маърифий муҳит барқарорлиги, динларга мансуб қадириятларни асраб-абайлаш, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлаш

Аннотация. В статье говорится, что сегодня, во всем мире и в социальной жизни нашего государства, его идея является одним из актуальных вопросов религиозной толерантности, толерантности, согласия, а происходящее в мире оказывает влияние и на наше государство. В Узбекистане уделяется особое внимание сохранению социальной стабильности, дальнейшему улучшению межнациональных и межрелигиозных отношений, сохранению различных религий, дальнейшему укреплению религии и межнационального согласия.

Подчеркивается, что решение, укрепление, развитие религиозной толерантности в процессе строительства нового Узбекистана служат объединению на пути реализации национальной идеи вне зависимости от убеждений всех людей.

Ключевые слова: Строительство нового Узбекистана, религиозная толерантность, согласие, межрелигиозные, межконфессиональные противоречия, свобода совести и стабильность религиозно-просветительской среды, сохранение вероисповеданий, обеспечение межнационального и межрелигиозного согласия

Annotation. The article says that today, all over the world and in the social life of our state, his idea is one of the urgent issues of religious tolerance, tolerance, consent, and what is happening in the world has an impact on our state. Uzbekistan pays special attention to the preservation of social stability, further improvement of interethnic and interreligious relations, preservation of various religions, further strengthening of religion and interethnic harmony.

It is emphasized that the solution, strengthening, development of religious tolerance in the process of building a new Uzbekistan serve to unite on the way to the realization of the national idea, regardless of the beliefs of all people.

Keywords: Construction of a new Uzbekistan, religious tolerance, harmony, interreligious, interfaith contradictions, freedom of conscience and stability of the religious and educational environment, preservation of faiths, ensuring interethnic and interreligious harmony

Мамлакатимиз ўзининг ривожланишини янги босқичга, Учинши Ренессанс фундаментини барпо этишга, Янги Ўзбекистонни қуришга собит қадам ташламоқда.

Бугунги кунда, бутун дунё миқёсида ва бизнинг давлатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам диний бағрикенглик, толерантлик, тотувлик, ғояси долзарб масалалардан бири булиб турибди.

1995 йил 16-ноябрда (Париж) ЮНЕСКО Бош конференциясининг йигирма саккизинчи сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари» декларацияси қабул қилинган эди.

Янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳатлар мақсади инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун асосида, адолатли ҳимоялаш ва таъминлашдан иборат.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ҳарқил зиддиятлар кучайиб бораётган бир пайтда, динлараро, конфессиялараро зиддиятлар ҳам кескинлашмоқта.

Албатта, дунёда булаётган бу ҳодисалар бизнинг давлатимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шу боис, Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва динлараро муносабатларни янада яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мақсади виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солишдан иборат болган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (ЎРҚ-699-сон 05.07.2021 йил) қабул қилинди .

2022-2026 ийларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 5-йўналишидаги динлараро бағрикенглик ғояси муҳим аҳамиятга эга масалалар қаторида юксак даражада амалга оширилмоқда.

2019 йил 4 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-марифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сонли қарорида жамиятда виждон эркинлиги ва диний-маърифий муҳит барқарорлиги кафолатларини таъминлаш алоҳида таъкидланди.

Сўнги беш йилликда диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимизнинг ташқи сиёсатида муҳим йўналишга айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бағрикенглик, диний эркинликни таъминлаш сингари масалаларга бағишланган «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифини билдирган эди ва ушбу резолюция аъзо давлатларнинг тўла қувватлаши асосида 2018 йил 12 декабрда қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъқидлаш жоизки, мамлакатимиз диний бағрикенглик соҳасида олиб бораётган сиёсатининг эътирофи сифатида 2020 йил 13-октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясидаги сайловда ўз тарийхида илик бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга 2021-2023 йилларга сайланди.

Эътироф этиш керакки, динлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш бўйича мамлакатимиз тараққиёти янги босқичида олиб борилаётган сиёсати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси» (Париж, 1995 йил 16 ноябрь) ва бошқада халқаро ҳуқуқий мёърий ҳужжатларга тўла мос келади.

Мамлакатимизда ислом динининг маданий ва цивилизацион мероси, маънавий-маърифий аҳамиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республика Президенти Ш.М. Мирзиёев 2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига талабан сифатидаги «Янги Ўзбекистон-инсон қадри устувор булган жамиятда халқпарвар давлатдир» номли Сайловолди дастурида: «... мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, фуқораларимизни турли мафкуравий тақдидлардан, зарарли оқим ва ғоялардан ҳимоя қилиш масалалари бундон буён ҳам устувор таризда диққатимиз марказида булади.

Бой диний ва маънавий меросимизни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси халқаро маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий каби илимий-маърифий марказлар имконияти кенг ишга солинади.

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, турли диний конфессиялар учун зарур шароитлар яратишга қаратилган сиёсатимиз изчил давом эттирилади» - деб, таъқидлаган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги куни, Янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида ҳарқил миллатлар ва динларнинг ўзига хос хусусиятларига нисбатан толерантлик муносабати, турли тоифадаги одамлар ва сиёсий кучлар ўртасидаги ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойили ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Диний бағрикенглик, динлараро тотувлик масаласи барча мамлакатлар қаторида бизнинг Ўзбекистонимиз тинчлиги ва тараққиёти учун муҳим тамойиллардан бири сифатида хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашнинг зарур ҳуқуқий асослари, шарт-шароитлари яратиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқоролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга булиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан катъий назар қонун олдида тенгдирлар»,-деб белгилаб берилган.

Мамлакатимизда турли динларга мансуб қадириятларни асраб-абайлашга, динлар ва миллатлараро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашга алоқида диққат берилмоқда.

Бу соҳада олиб барилаётган давлатимиз сиёсати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида: “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат ибодат қилишда ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка тартибда, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, - деган қондасига тўла жавоб беради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан динлараро бағрикенглик ғоясини бутун дунёга тарғиб этиш мақсадида 2011 йилнинг 1-7 февраль кунларини бутун жаҳонда “Динлараро муносабатлар уйғунлиги бутунжаҳон ҳафталиги” деб эълон қилинган эди.

Шу уринда, айтиш лозимки, ислом дини турли динларга этикод қилувчиларни бир жамиятда диний бағрикенглик, динлараро ҳамкорлик тамойиллари асосида, тинч-тотув, эркин ва тенг ҳуқуқли таризда ҳаёт кечиришлари мумкинлиги ғоясини илгари суриб уни ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда.

Шуни эътироф этиш керак, бугунги куни Янги Ўзбекистонни кўриш жараёнида диний бағрикенгликнинг қарор топиши, мустаҳкамланиши, ривожланиши барча кишиларнинг эътиқодидан қатъий назар миллий ғояни амалга ошириш йўлида бирлаштириш учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2018.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (ЎРҚ-699-сон 05.07.2021 йил).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига талабан Ш.М. Мирзиёевнинг сайловолди дастури [Текст] / Ш.М. Мирзиёев,-Тошкент: «Ўзбекистон», 2021, 48-49 б.
4. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ. 1948 йил, 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) кўрсатмаси орқали қабул қилинган ва эълон қилинган

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ, МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙУЛЛАРИ ВА ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ

Камалова М.

*ҚДУ. Миллий гоя маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси стажёр
ўқитувчи*

kamalova.mamura@inbox.ru

Аннотация. Ушбу мақолада ёшларнинг маънавий ва маданиятини юксалтиришнинг устивор вазифалари унда давлат сиёсатининг роли куриб чикиган.

Калит сузлар: ёшлар, маънавият, стратегия, сиёсат, социология.

Аннотация. В данной статье рассматриваются приоритетные задачи повышения нравственности и культуры молодежи и роль в этом государственной политики.

Ключевые слова: молодежь, духовность, стратегия, политика, социология.

Annotation. This article discusses the priority tasks of improving the morality and culture of young people and the role of state policy in this.

Key words: youth, spirituality, strategy, politics, sociology.

Юртимиз келажаги ёш авлодлар кулида экан, уларни хар томонлама етук, инсонпарвар, жамият ва табиат олдида масъулиятли шахслар этиб тарбиялаш энг устувор максадларимиздан биридир. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг замирида "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари" деган хаётий гоя турибди. Миллий юксалиш факатгина маънавий сохада эмас, балки демократик жамият ва ҳукукий давлат, фаровон ва тинч-осуда хаёт, иктисодий жихатдан баркарорлик каби хаётимизнинг барча сохаларини тараккий эттиришни кузда тутуди. Бу жараёнлар давлатимиз рахбари Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси асосида илгари сурилган Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мулжалланган харакатлар стратегияси, узок муддатли 2030 йилга кадар мулжалланган тараккиёт концепциясида уз аксини топмокда. Айникса, "Ракамли иктисодиёт-2030", таълим тизимини тараккий эттиришнинг 2030 йилга кадар мулжалланган концепцияси ва бошқалар бунинг яккол намоён этмокда. Хар бир жамият ва давлатнинг тараккиётини, уни амалга оширишга каратилган стратегик дастур ёки концепциялар булмасин уларнинг барчасини амалга оширувчи куч бу инсон омилдир. Бунда бу омилнинг маънавий-рухий, иктисодий-ҳукукий, жисмоний жихатдан куллаб-куватланиши ва унинг имкониятлари хар томонлама кафолатланиши мухим шарт хисобланади. Хусусан, шахс маънавий маданияти уз урнида инсоннинг хам маънан, хам жисмонан ва моддий жихатдан юксалишини таъминловчи мухим омил булиб хизмат килади. Бу борада маънавий маданият жамиятнинг барча сохалари ва тармоқларини ривожлантиришга хисса кушиш билан бирга улардан маънавий куч олади, ижобий маънода таъсирланади. Масалан, жамиятнинг бадий сохаси интеллектуал муаммоларни функционал равишда

хал киладиган маданиятнинг ихтисослашган сохаларидан биридир. Санъат маданияти унинг муваффақиятли ишлашини таъминлайдиган барча жараёнларни уз ичига олади. Дунёга эстетик муносабат жамият хаётининг хар кандай соҳасидаги бадиий фаолият учун зарур шартдир. Аслида, бадиий маданият хаёлий воқеликлар дунёсини лойихалаштиради, бунда одамлар эътиборини маънавий маданиятнинг ушбу мавзуда актуал булган ахлокий, эстетик ва бошқа муаммоларга каратадилар. Жамиятнинг маънавий хаётини тахлил килиш хозирги пайтда фалсафанинг энг мухим муаммоларидан биридир. Бундан ташқари инсон биотизимини интеллектуал билиш, унинг ишлаши, химояси ва сакланиши маънавий маданиятнинг турли шакллари орқали маънавий маданиятнинг тиббий соҳасидаги энг мухим вазифалардир. Жисмоний ва маънавий маданиятнинг шакллари инсоннинг маданиятда кабул килинган меъёрлар, кадриятлар ва талабларга эга булган қобилиятларини шакллантириш, ривожлантириш ва улардан фойдаланиш билан боглик инсон фаолиятини тартибга солади. Шахс жисмоний маданиятининг маънавий кадриятларига хар томонлама жисмоний ривожланиш соҳасидаги махсус билимлар, жисмоний баркамоллик гоёлари, уларга кандай эришиш мумкинлиги хақидаги гоёлар, муайян спорт турларининг хусусиятлари, унинг тарихи, ривожланиш истикболлари ва бошқалар киради. Жисмоний маданият - бу иқтисодиёт, экология, сиёсий бошқарув, тиббиёт, педагогика, санъат маданияти, фан билан чамбарчас боглик булган ижтимоий ходисадир.

Социологлар томонидан анъанавий равишда жамиятни туртта катта соҳага - иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларга булиб тадқиқ қилинади. Ижтимоий соҳа одамларнинг этник жамоалари (уруғ, қабила, халқ, миллат ва бошқалар), турли табақалар - хизматчилар, дехқонлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар билан ифодаланади. Сиёсий соҳа хокимият тузилмаларини (давлат, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва харакатлар ва бошқалар) камраб олади. Маънавий соҳага одамларнинг фалсафий, диний, бадиий, ҳуқуқий, сиёсий, ахлокий ва бошқа карашлари, шунингдек, уларнинг қайфияти, хиссиётлари, дунё хақидаги гоёлари, урф-одатлари ва бошқалар киради.

Ижтимоий хаётнинг туртта катта соҳаси бир-бири билан механик эмас, балки диалектик алоқадорликка эга. Улар нафакат узаро боглик, балки узаро шартли равишда бир-бирларисиз ривожланмайди. Иқтисодий соҳа одамлар - синф, гуруҳ ва бошқа муносабатларнинг ташувчисиз мавжуд була олмайди. Аммо бу уринда одамлар ижтимоий онг шаклларининг ташувчиси эмасми, деган савол хам тугилади? Аммо кейин яна бир савол тугилади: қайси холда, нима учун аниқдовчи омилни излаш керак? Бу омилни биринчи навбатда излаш керак, чунки жамият одамларнинг аралашувисиз автоматик равишда узгарадиган ва ривожланадиган механик бирлашма эмас. Одамлар узларининг тарихларини яратадилар ва улар хаётида қайси соҳалар хал қилувчи эканлигини билишга хақлидирлар.

Бу борада Арасту "Ахлокий қабр" асарида қуйидагича келтириб утган. "Уртачадан узок турган нарса фазилатга энг куп зид келади. Фазилат

мутадилликдир. Фазилат карама-карши хислат ва майлларнинг уртасидаги холатдир. Икки сабабга кура, биз муътадилликка ё ортикчаликни, ё камликни зид деб биламиз. Биринчи холда, инсоннинг муайян рухий холати ёки феъл-атвори уртачага (муътадилликка) якинми ёки узокми эканлигига караб, хукм чиқарамиз. Иккинчи бир холатда эса, инсон табиатида қайси нарса купрок булса, фазилат хисобланувчи муътадилликнинг зидди хисобланади"[2].

Ахлоқ ва маънавий чуқур ички ўзаро алоқадарликка ега. Зеро, маънавият индивид мансуб бўлган гуруҳлар ахлоқ еса, ўз навбатида, гуруҳ азолри бўлган индивидлар маънавиятнинг ўзаро туташ оммавий муносабатларданамоян бўлади. Ахлоқ маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс камолотининг юқори босқичи саналади. Зеро ахлоқ, ахлоқий меёрларсиз шахснинг рухий ва жисмонан етуқлигининг мезони бўлган маънавий камолатга эришиб бўлмайди. [4. 201-б]

Демак, «ахлоқ» ва «маънавият» ҳамда «фазилат» бир-бирига чамбарчас боглик тушунчалардир. Шунинг учун ҳам инсоний фазилатлар юксак ахлоқ ва маънавият асоси хисобланади. Ахлоқ ва маънавият масалаларини хар тарафлама камраб олиб, тахлил қилиш борасида биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» асаридан келтирилган. Халқимизнинг турмуши ва тафаккур тарзидаги бошқаларга асло ухшамайдиган, минг йиллар мобайнида шаклланган бир қатор узига хос жихатлар хақида тухталар экан, муаллиф шундай ёзади: «Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-мухаббат, меҳр-шафқат, кадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тулдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик галати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг узи мушкул бир муаммо» [3] Шу парчанинг узиди меҳр-оқибатлилик, меҳр-мухаббат курсатиш, меҳр-шафқат қилиш, кадр-қимматни билиш қаби инсоний фазилатлар хақида суз боряпти. Жамият онги, давлат, ижтимоий соҳа ва бошқа иқтисодий булмаган омиллар мустақилликка эга, уз ривожланиш қонуниятлари ва мантигига ҳам эга. Шундай қилиб, маънавиятнинг ривожланиши хар қандай мамлакатнинг иқтисодий асосига тугри қелиши шарт эмас. Иқтисодий жихатдан орқада қолган мамлакатда маънавият, тарбия қабилар маънавий ҳаётнинг узига хос соҳаси сифатида ривожланиб бориши мумкин.

Ўзбекистонда давлатнинг барқарорлигини, тинчлиги, таракқиёти, харбий қудрати, иқтисодий узиш курсатқичлари, миллий манфаатлари хавфсизлиги масалалари жамият ва давлатнинг асосий фаолияти манбалари, яъни инсон омилига боглик эканлигини алоҳида таъкидлаб утиш лозим. Бу замонавийлашув жараёнида муҳим рол уйнайди. Инсон омилининг онги, маданияти, фикрлаш даражаси шу давлат ва жамиятнинг манфаатлари, қадриятлари, тарихий утмишини узиди мужассамлаштирган миллий гоё ва мафқуралар, қарашлар сифатида аҳолига етказилади ва сингдирилади. Бу вазифа эса аввало ижтимоий институтлар, айниқса оила, қадриятлар, урф-одатлар орқали амалга оширилади. Шарқ халқлари, хусусан, Ўзбекистон мисолида бу ибора жамиятнинг асосий негизи сифатида ханузгача қатта ахамият қасб этмоқда.

Умуман олганда, маънавий тараккиётни таъминлашнинг ижтимоий манбаларига куйидагиларни киритиш мумкин: оилани, болалар богчасини, мактабни, кутубхоналарни, музейларни, маданий марказларни, театр, кино, ОАВ, ижтимоий ташкилотларни (ижодий уюшмалар), ишлаб чиқариш корхоналарини, давлат органларини, халқаро институтлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси турли даражада ва турли томонлардан инсон дунёкарашининг ривожланиши ва маънавий камолотига таъсир курсатади. Шунинг учун ҳам Р.А.Умрзокова "Тарбия шаклларида жамиятдаги турли махсус бугинлар масъул булса-да, оила барча шаклларида тарбия жараёнида тулдирувчи, мустахкамловчи бугин сифатида намоён булади. Ёшларга сингдирила бошланган янги гоё ва қарашлар оила муҳитида мазмунан бойитилади", деб таъкидлайди. Кутубхоналар ва музейлар маънавий кадрларни амалга оширилишига йуналтирилган ижтимоий ташкилотлар сифатида ташкил қилинган. Улар бугунги кунда ҳам шу кадрларни амалга оширилишига имкон яратиши мумкин, бироқ бу йуналтирилганликни доимий равишда янгилаб туриш зарур. Хозирги кунда анъанавий маънавий ташкилотларда кунгилочар тижорат манфаатлари устун бўлиб, уларнинг ишида қолоқ, давр талабидан йироқ нарсалар жуда кўп. Шунингдек постмодернизм ҳавфи ҳам мавжуд, у руҳан тулик шаклланмаган одамларга синдирувчи таъсир курсатади. Постмодернизм фақатгина маъноларнинг ривожланган маънавий тизимларинигина мустахкамлаши мумкин. Инсонга жамият томонидан тақдим қилинадиган маънолар: уз истакларини қондириш, истеъмомчилик, насл қолдириш, танланган касбида муваффақиятга эришиш ва хоказо. Агар миллий тараккиётнинг ибтидоси таълим-тарбия, маънавий етуклик ва жамиятда янгича тафаккурнинг шаклланиши сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг узғариши билан боғлиқ булса, унинг давомийлиги Ватан ва юрт манфаатининг устуворлиги ҳамда таъминланиши билан уйғунлашиб кетади. Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги маънавий интеллектуал салоҳияти жамият тараккиётини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг айниқса, ёшларнинг иштироки уларнинг объектив воқеликта муносабатида тула намоён булади. Бошқарув жараёнидаги бундай муносабат ҳар бир инсоннинг жамият сиёсий ҳаётида уз урнига эга бўлиши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мақсад ва манфаатларини қондириши ҳамда, уларни амалга ошириш йулидаги ҳаракатлари асосида юз беради. Жамиятда янгича муносабатлар таркиб топаётган ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятлари кенгайган. Бизга маълумки, ҳозирги кунда дунёдаги ҳар қандай давлатнинг обриси ва нуфузи, куч-қудрати, унинг моддий бойликлари, иқтисодий тараккиёти, ҳарбий қуввати билан эмас, бадки аввало, юксак маънавий садоҳияти билан ҳам белгиланади. Хадкнинг, миллатнинг маънавий-маърифий бойлиги эса ҳар томонлама етук истеъдодли ва қобилиятли, ахлоқли ва билимли ёшлар томонидан ривожлантирилади. Лекин шундай булсада масаданинг ята бир томони ҳозирги тез суръатлар билан дунё ҳамжамиятида ривожланиб бораётган давлатларнинг барқамол авлод тарбиясида уларга салбий таъсир

килиши мумкин булган омиллардан доимий равишда химоялаш долзарб масададир. Ўзбекистонда аҳолининг уртача ёши 24 ёшни ташкил этади. Биз учун ҳеч қачон қун тартибидан тушмайдиган яна бир ута муҳим масала борки, унга алоҳида тухталиб Утишни зарур. У ҳам булса, униб-усиб келаётган ёш авлодимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқдир. Буюк бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, бу масала биз учун ҳақиқатдан ҳам ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат, масаласидир. Ва уз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йукотмайдиган, таъбир жоиз. Демак, мамлакатимизда ёшларнинг жамият тараккиётига нисбатан онгли муносабати, ундаги иштироки ва миллий тараккиётни тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон шароитидв ёшларга ижтимоий тараккиётнинг муҳим «катализатори» сифатида қаралишининг энг асосий сабабларидан бири ҳам улар таркиби, онги ва дунё қараши билвн боғлиқ. Негаки, ёшлар дунёқараши бугунги янгиланишлар жараёнида шаклланиб бормоқда. Шу сабаб ҳам давлат сиёсатида бу масалага алоҳида ёндашилмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқоралик жамияти шароитида сиёсий фаоллик купрок ёшлар ташкилотлари, маънавият ва маърифатга дахлдор жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳалла, фуқоралик жамияти институтлари уртасида узаро мустаҳкам боғланишини талаб этади. Умуман бугунги демократик жараёнлар чуқурлашаётган, фуқоралик жамияти институтлари мавқеи қучаяётган шароитда ҳар қандай масаланинг ечимида давлат аа жамият уртвсидв уйғунлик таъминланмас этан, ислохотларда қеракли натижадарни қулга қиритиш мушқул. Демак, ислохотлар ва уларнинг самараси аввало аҳолига, Ўзбекистон шароитидв эса ёшларга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг, яъни фаоллигининг даражасига боғлиқдир. Жамият тараккиётида инсон омили ҳусусида дунё тажрибасидан мисол келтирсак, иккинчи жаҳон урушида ҳонавойран булган Германия ва Япония қаби давлатлар бугунги қун тараккиётида инсон омилнинг қуч була олишини исботлади.

Инсон маънавий маданиятига салбий таъсир қурсатадиган энг катта таҳдидлардан бири бу - коррупциядир. Бугун дунё тажрибаси шуни қурсатадики, давлат доирасидаги йирик коррупцион жиноятлардан қура маъиший коррупция катта йукотишларга олиб келади. Жумладан, твълим тизимидаги оддийгина сессиядаги жараёни келгусида катта-катта ижтимоий ларзаларга сабаб булиши мумкин. Жанубий Африка Республикаси Стелленбосс университети пештоқиға қуйидаги ибора ёзиб қуйилган: «Ҳар қандай миллатни йук қилиш учун атом бомбаси ёки узок масофали ракета шарт эмас. Бунинг учун таълим сифатини тушириб, имтиҳонларга алдовнинг узи қифоядир. Бу тарзда таълим олган шифокорлар қулидан беморлар улим топади, қурувчилар қурган уй ва бинолар вайрон булади, иқтисодчи ва ҳисобчилар қулида молиявий ресурслар совурилади, адолат ҳам шундай ҳуқуқшунос ва судьялар қулида завол тотати». Таасуфки, олий таълим тизимида асосан тадабадик сафиға бул қилиш, уқиш жараёнида топшириладиган турли синовлар, талабаларнинг битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва химоя қилиш, магистратураға

шунингдек, талабаларнинг укиш жойини кучириш, укиш юналишини узгартириш ҳамда укишга қайта тиклашда коррупция ҳолатлари кузатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу каби муаммоларнинг олдини олиш борасида қуйидаги мулоҳазани илгари сурган эди: "Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча катламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, уз олдимизга қуйган юксак маррадарга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга утишимиз керак".

Дунё тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, қачонки демократик тамойиллар кўпроқ қуйидан юқорига қараб такомиллашиб боради, унинг хос кадрлар даражасига кўтарилади. Зеро жамият аъзолари қундалиқ ҳаётида акс этмайдиган демократия турмуш тарзимизнинг таркибий қисмига ҳам айлана олмайди. Бу эса узок муддатли жараён. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш шўшма-шўшарлик билан амалга ошириладиган жараён эмас. Агар ушбу ҳолат босқичма-босқич мунтазам амалга оширилмайдиган бўлса, турли ҳавфли, ноҳуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ёшлар ижтимоий-сиёсий онгини устириш ва янгича дунёқарашини шакллантириш масалалари маънавий етукликка асосланган ҳамкорлик, ҳамжихатлилик, ҳамфикрлилик омиллари турли инкирозли ҳолатлар, тўқнашувларнинг олдини олиш жараёнида намоён бўлади. Бу эса тараккиётнинг тадрижийлиги ва самаралилигига олиб келади.

Адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б.35.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида" ги ПФ-60-сонли Фармони ^онунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
3. Абу Наср Форобий —«Фозил одамлар шахри». А. ^одирий номидаги халқ мероси

YEVROPA ITTIFOQI MAMLAKATLARIDA INVESTITSIYA FAOLIYATINI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ASOSLARI VA MUAMMOLARI

Adxamov Nursulton Akmalidin o'g'li
Toshkent davlat yuridik universiteti
magistratura bosqichi talabasi
nursultonadxamovs@gmail.com

Annotatsiya. Maqola Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida investitsiya faoliyatini huquqiy tartibga solishni, Yevropa Ittifoqi doirasida investitsiyalarni samarali boshqarish muammolari hamda istiqbollarni o'rganish hamda muammolarni bartaraf etish yuzasidan taklif va mulohazalar berishga bag'ishlangan.

Tadqiqot natijasida Yevropa Ittifoqida investitsion munosabatlar hamda investitsion nizolarga olib keluvchi sabablar tahlil qilindi. Ushbu investitsiyani tartibga solish bilan bog'liq kamchilik va muammolar mualliflik xulosalari asosida asoslab berilgan.

Chet el qonunchiligi, yuridik adabiyoti, shuningdek, mutaxassislarining yozgan maqolalari tahlili asosida investitsiya huquqiy munosabatlarida ishtirok etuvchi yuridik shaxslarning davlat nomidan ish yuritish vakolatlarini aniqlash bilan bog'liq investitsiya nizolarini ko'rib chiqish doirasida Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida investitsiya huquqiy munosabatlarida davlat ishtirokini huquqiy tartibga solishda bir xillik yo'q degan xulosaga kelish mumkin. Shunga ko'ra, Yevropa Ittifoqida investitsion nizolarni kamaytirish yuzasidan ilmiy asoslarga tayangan holda bir qancha takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: Yevropa Ittifoqi, investitsion faoliyat, ommaviy huquq, yuridik shaxs, xalqaro investitsiya huquqi, investitsiyaviy nizolar, investitsiyalarni boshqarish.

Abstract. The article is devoted to studying the legal regulation of investment activities in the EU countries, the problems and prospects of effective management of investments within the European Union, and making suggestions and comments on solving the problems.

As a result of the research, investment relations in the European Union and reasons leading to investment disputes were analyzed. The shortcomings and problems related to the regulation of this investment are justified on the basis of the author's conclusions.

Based on the analysis of foreign legislation, legal literature, as well as articles written by experts, within the framework of the review of investment disputes related to the determination of the powers of legal entities participating in investment legal relations to act on behalf of the state, a legal regulation of state participation in investment legal relations in the EU countries. it can be concluded that there is no difference. Accordingly, a number of proposals have been developed based on scientific principles to reduce investment disputes in the European Union.

Key words: European Union, investment activity, public law, legal entity, international investment law, investment disputes, investment management.

Аннотация. Статья посвящена изучению правового регулирования инвестиционной деятельности в странах ЕС, проблемам и перспективам эффективного управления инвестициями в рамках Европейского Союза, а также внесению предложений и замечаний по решению проблем.

В результате исследования были проанализированы инвестиционные отношения в Европейском союзе и причины, приводящие к инвестиционным спорам. На основании сделанных автором выводов обосновываются недостатки и проблемы, связанные с регулированием данного инвестирования.

На основе анализа зарубежного законодательства, юридической литературы, а также статей, написанных экспертами, в рамках рассмотрения инвестиционных споров, связанных с определением полномочий юридических лиц, участвующих в инвестиционных правоотношениях, действовать от имени государства. По правовому регулированию участия государства в инвестиционных правоотношениях в странах ЕС можно сделать вывод, что разницы нет. Соответственно, на основе научных принципов был разработан ряд предложений по сокращению инвестиционных споров в Европейском Союзе.

Ключевые слова: Европейский Союз, инвестиционная деятельность, публичное право, юридическое лицо, международное инвестиционное право, инвестиционные споры, управление инвестициями.

Investitsiyon faoliyat Yevropa Ittifoqi uchun katta ahamiyatga ega, chunki u Yevropa korxonalarining rivojlanishi va raqobatbardoshligi o'sishini ta'minlaydi. Yaqin vaqtgacha investitsiyalar bilan bog'liq masalalar Yevropa Ittifoqining erkin savdo bitimiga kiritilmagan va faqatgina a'zo davlatlarning xalqaro shartnomalari asosida tartibga solingan edi. Biroq, Lissabon shartnomasi²³ kuchga kirgandan hamda Yevropa Ittifoqiga Ittifoq umumiy savdo siyosatining bir qismi bo'lgan investitsiya siyosati sohasida qaror qabul qilish huquqi berilgandan so'ng vaziyat o'zgardi. Shundan so'ng, savdo bitimlari Yevropa Ittifoqining uchinchi mamlakatlar bilan investitsion aloqalarini tartibga solishning asosiy vositalaridan biri bo'lib qoldi.

Mavzuga batafsil kirishdan avval Yevropa Ittifoqining zamonaviy dunyo iqtisodiyoti va siyosatidagi o'rni va roli haqida to'xtalib o'tamiz. Hozirgi kunga kelib, 500 milliondan ziyod aholisi bo'lgan 27 ta davlatni o'z ichiga olgan Yevropa Ittifoqi dunyodagi eng yirik iqtisodiy va siyosiy integratsiya birlashmasidir va zamonaviy dunyo iqtisodiyotida yetakchilardan biri hisoblanadi. Shu bilan birga, jahon iqtisodiyotidagi o'sish omilini (jahon yalpi ichki mahsuloti), Xitoy, Hindiston, boshqa bir qator rivojlanayotgan mamlakatlar, shuningdek Rossiyaning ulushi hisobga olinsa, kelajakda Yevropa Ittifoqining ulushi kamayadi. IMEMO²⁴ tomonidan berilgan prognozlarga ko'ra, 27 mamlakatda Yevropa Ittifoqining ulushi, 2005-yilda 23,7 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2020-yilda esa dunyo yalpi

²³ Lissabon shartnomasi – 2007-yil 13-dekabrda Lissabondagi Jeronimos shahrida Yevropa Ittifoqi sammitida imzolangan xalqaro shartnoma.

²⁴ IMEMO - g'arb va rivojlanayotgan mamlakatlarning iqtisodiy, ichki, tashqi va harbiy siyosatini, shuningdek global muammolarni, jahon iqtisodiyoti va xalqaro munosabatlarni yanada kengroq tahlil qiladigan ilmiy tadqiqot markazi.

ichki mahsulotining 17,6 foizini tashkil qildi. 2008-yilda boshlangan global moliyaviy-iqtisodiy inqiroz butun Yevropa Ittifoqi va uning alohida davlatlar dunyo iqtisodiyotidagi mavqeiga salbiy ta'sir ko'rsatdi.

Yevropa Ittifoqi Yevropa hamjamiyati doirasidagi investorlarning huquqlari va majburiyatlarini tartibga solmaydi, chunki bu masalalarni uning a'zo davlatlari vakolatiga qo'yadi. Amsterdam shartnomasining²⁵ qoidalariga ko'ra, Yevropa Ittifoqi Yevropa va xorijiy investorlar uchun faqat **tadbirkorlik erkinligini** va ichki bozorda **kapital harakatini** kafolatlaydi (Yevropa Ittifoqiga a'zo davlatlarning ayrim cheklovlari hisobga olingan holda). Yangi Lissabon shartnomasida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar masalasi Yevropa Ittifoqining mutlaq vakolatiga kiradigan Umumiy savdo siyosati sohasiga tegishli ekanligi belgilab qo'yildi. Biroq, Lissabon shartnomasi ushbu umumiy qoidadan tashqariga chiqmaydi – unda Yevropa Ittifoqining umumiy investitsiya siyosatini ishlab chiqish zaruriyatining aniq ko'rsatmalari mavjud emas. Shunday qilib, Yevropa Ittifoqi mamlakatlarining sarmoyaviy harakatlari Bryusselda qabul qilingan me'yorlar bilan emas, balki ular hukumatlarining harakatlari bilan belgilanadi.

Bevosita Yevropa Ittifoqiga a'zo mamlakatlardagi **iqtisodiy nizolar** masalasiga to'xtalib o'tadigan bo'lsak, yuridik adabiyotlarda keltirilishicha, xalqaro huquqdagi investitsiya nizosi deganda davlat va chet el investorlari o'rtasida ikkinchisining birinchisining hududidagi investitsiyalari bilan bog'liq huquqiy nizo tushuniladi.

Investitsiyalarni muhofaza qilishni tartibga soluvchi hamda investitsion nizolarni hal qilish bo'yicha asosiy manbalar quyidagilardir:

- ko'p tomonlama investitsiyalarni kafolatlash agentligini tashkil etish bo'yicha 1985-yilda qabul qilingan Vashington konvensiyasi – MIGA;

- 1976-yildagi Xalqaro savdo huquqi bo'yicha Birlashgan Millatlar Tashkilotining arbitraj qoidalari (UNCITRAL);

- Birlashgan Millatlar Tashkiloti Chet ellik arbitraj qarorlarini tan olish va ijro etish to'g'risidagi 1958-yilda qabul qilingan Nyu-York konvensiyasi;

- 1961-yildagi Tashqi savdo arbitraji to'g'risidagi Yevropa konvensiyasi;

- investitsiyalarni targ'ib qilish va himoya qilish bo'yicha ikki tomonlama hukumatlararo bitimlar.

Kambag'al Yevropa Ittifoqi mamlakatlaridagi investitsiya faoliyati faqatgina mintaqaviy siyosat, transchegaraviy hamkorlik dasturi va boshqalar bilan tartibga solinadi. Shunga qaramay, aksariyat ekspertlar Markaziy va Sharqiy Yevropa davlatlarining umumiy Yevropa bozoriga mansubligi, Yevropa Komissiyasi tomonlari bilan investitsiya xavfsizligining asosiy kafolatlari, ishchi kuchining arzonligi va yaxshi tayyorgarligi, katta Sharqiy Yevropa bozorining to'yinmaganligi, uning geografik jihatdan Yaqin Sharqning strategik muhim mintaqasiga yaqinligi 2000-yillarda Sharqiy Yevropada investitsiya portlashining hal qiluvchi omillari bo'lib xizmat qilganligini e'tirof etishadi.

²⁵ Amsterdam shartnomasi – Yevropa Ittifoqi shartnomasiga o'zgartirish kiritish yuzasidan 1997-yil 2-oktabrda imzolangan hamda 1999-yil 1-mayda kuchga kirgan shartnoma.

A.K.Makarenko “Yevropa Ittifoqining erkin savdo shartnomalarida investitsiya faoliyatini tartibga solish istiqbollari”²⁶ nomli ilmiy ishida yozishicha, yaqinlashish siyosati yoki Yevropa Ittifoqining ayrim mintaqalari va tarmoqlari darajasida iqtisodiy rivojlanishga sarmoyalarni nazarda tutadigan Yevropaning mintaqaviy siyosati kambag‘al mintaqalarga **yagona Yevropa bozorida** raqobatlashishga va yanada rivojlangan hududlarni egallashga yordam beradi. Ushbu siyosat xalqaro tashkilotlar, shu jumladan BMT va OECD e‘tiborini tortdi va ularning ijobiy fikrlarini shakllantirdi.

Bugungi kunda Yevropa Ittifoqining investitsiyaviy huquqida quyidagi asosiy yo‘nalishlar mavjud:

- kapital harakatini huquqiy tartibga solish;
- qimmatli qog‘ozlar bozoridagi munosabatlarni huquqiy tartibga solish;
- to‘lovlar harakatini huquqiy tartibga solish;
- investitsiya bo‘yicha nizolarni hal qilish.

Hozirda Yevropa Ittifoqi investitsiya huquqining asosiy manbalari direktivalar va qoidalar, xalqaro huquqiy shartnomalar normalari va sud qarorlari hisoblanadi. Aynan investitsiya sohasida tuziladigan ko‘p tomonlama shartnomalar universal va mintaqaviyga bo‘linadi.

Ulardan dastlabkilari: 1965-yilgi “Hukumat va boshqa davlat fuqarolari o‘rtasidagi investitsiya nizolarini hal qilish tartibi to‘g‘risida”gi Washington konventsiyasi, 1985-yilgi “Xalqaro investitsiyalarni kafolatlash agentligini tashkil etish to‘g‘risida”gi Seul konventsiyasi, shuningdek, GATT/JST – “Savdo to‘g‘risida”gi bitim asosida imzolangan shartnomalar, “Intellektual mulk huquqlarining savdo bilan bog‘liq jihatlari to‘g‘risida”gi bitim (TRIPS).

Yevropa Ittifoqi investitsiyalar va investorlarning huquqlarini himoya qilishga katta ahamiyat beradi. Ko‘pgina Yevropa Ittifoqiga a‘zo davlatlarda investitsiya qonunchiligi yaxshi ishlab chiqilgan, ammo uyg‘unlashtirish, ya‘ni umumlashtirish juda ko‘p vaqt va kuch sarflaydigan jarayon hisoblanadi. Shuningdek, iqtisodchi L.A.Zubchenko o‘z maqolasida yozishicha, “Yevropa Ittifoqida **investitsiya faoliyatini huquqiy tartibga solish** muammosi nisbatan yangi bo‘lib, Yevropa Ittifoqining asosiy qonunchiligida investitsiyalarni tartibga solish bo‘yicha to‘g‘ridan-to‘g‘ri qoidalar mavjud emas, shuning uchun Yevropa Ittifoqi darajasidagi investitsiya faoliyati qonun hujjatlarini uyg‘unlashtirish maqsadida chiqarilgan Kengash ko‘rsatmalari bilan tartibga solinadi.”²⁷ Shunga ko‘ra, Yevropa Ittifoqining investitsiya qonunchiligi moliya-kredit tashkilotlari nazorat qiluvchi organlar nazorati ostida bo‘lgan yagona bozorni tashkil etuvchi milliy nazorat organlarining o‘zaro e‘tirof etish tamoyillariga asoslangan qonuniy majburiy muvofiqlashtiruvchi va birlashtiruvchi direktivalar va normalar tizimiga asoslangan. Tegishli huquqiy hujjatlar Yevropa Komissiyasi, Qimmatli qog‘ozlar bo‘yicha Yevropa qo‘mitasi va Qimmatli qog‘ozlar va bozorlar bo‘yicha Yevropa agentligi takliflari asosida shakllantiriladi.

²⁶ Статья: “Регулирование инвестиционной деятельности в соглашениях Европейского Союза о свободном торговле” / Макаренко Анастасия Кирилловна / 2016.

²⁷ Статья: “Антикризисная политика на уровне ЕС и в отдельных странах Европы” / Л.А.Зубченко / 2011.

Yuridik fanlari nomzodi Lukinskaya Mariya Petrovnaning tadqiqotlarida aytilishicha, **Yevropa Ittifoqining asosiy maqsadlaridan biri** Yevropa Ittifoqiga a'zo davlatlar o'rtasida kapital harakatiga qo'yiladigan barcha cheklovlarni taqiqlashdir. Ushbu maqsadga erishish uchun Yevropa Ittifoqidagi investitsiya faoliyatini tartibga solishga qaratilgan bir qator ko'rsatmalar qabul qilingan. Xususan, 2004-yil 21-aprelda qabul qilingan 2004/39/EC-sonli yo'riqnomasi moliya aylanmalari bozorida Qimmatli qog'ozlar bozorining asosiy tushunchalarini belgilaydi. 1993-yil 15-martda qabul qilingan "*Investitsiya firmalari va kredit tashkilotlari kapitalining yetarliligi to'g'risida*"gi 93/6/EEC-sonli qarorida investitsiya xizmatlarini ko'rsatuvchi kredit tashkilotlarining ustav kapitalining minimal hajmiga talablar mavjud. 1997-yil 3-martda qabul qilingan "*Investorlarning huquqlarini himoya qilish uchun kompensatsiya sxemalari to'g'risida*"gi 97/9/EC-sonli ko'rsatmasida Yevropa Ittifoqining barcha a'zo davlatlari investitsiya firmasi pul to'lay olmasa, investorlarning zararlarini qoplash uchun bir yoki bir nechta kompensatsiya sxemalari bilan investorni ta'minlashga majbur ekanligi belgilab qo'yilgan. Shuni ta'kidlash kerakki, ushbu Yevropa Ittifoqining moliyaviy yo'riqnomalari Yevropa Ittifoqidagi milliy investitsiyalar va qimmatli qog'ozlar bozorining muqim va doimiy tartibga solinishi to'g'risidagi savolga to'liq javob bermaydi. Ular bunday tartibga soluvchilarning funksiyalari va vakolatlariga zaruriy talablarni faqat tartibga solish yo'nalishlari va ko'rsatmalarini kiritish orqali o'rnatadilar. Shunga ko'ra, Yevropa Ittifoqiga a'zo davlatlarning investitsiya faoliyati va qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga soluvchilari faoliyatining ichki protsedurasi masalalari milliy qonunchilik bilan tartibga solinadi. Yevropa Ittifoqi mamlakatlari bunday tartibga solishning turli xil modellaridan foydalanadilar.²⁸

Endi esa ba'zi Yevropa Ittifoqiga a'zo mamlakatlarning investitsiyalarni boshqarishga oid munosabatlardagi **farqlariga** to'xtalib o'tsak. Ushbu tafovutlar bevosita Yevropa Ittifoqi doirasida yagona qonunchilikning vujudga kelishiga to'sqinlik qilmoqda. Dastlab, Yevropaning rivojlangan davlatlaridan biri Fransiyadagi investitsion faoliyatdagi boshqaruvni yoritamiz. Fransiya fuqarolik huquqida "xalq ta'limi" tushunchasi mavjud emas, uning o'rnini "davlat xizmati" tushunchasi egallaydi. "XIX asrda, aniqrog'i 1873-yilda, davlat hokimiyati tushunchasi o'z o'rnini davlat xizmati tushunchasiga bo'shatib bergan."²⁹ Fransiyalik professor Lui Rolan (ommaviy xizmatlar maktablaridan birining nomi uning ismi bilan atalgan) aytganidek, ommaviy xizmatlarning ta'rifida **uchta juda oddiy g'oya** yashiringan. Birinchisi – tadbirkorlik g'oyasi: har bir davlat xizmati o'z shaxsiy tarkibiga, mol-mulkiga ega, ma'lum bir natijaga erishish uchun qonuniy tartib va metodlardan foydalanadi. Ikkinchisi – jamoaviy ehtiyojlarni qondirish g'oyasi. Uchinchisi, xizmatni u yoki bu darajada boshqaradigan hukumatga (ma'muriyatga) bog'liqlik g'oyasi.³⁰

Fransiyadagi ommaviy huquqiy tashkilotlar faqat ma'muriy huquqiy munosabatlarning subyektlari hisoblanadi. Shunday qilib, davlat bilan bevosita

²⁸ Шеленкова Н.Б. «Современные правовые проблемы евроинтеграции»: д.ф.-м.н., юрист. / М., 2006.

²⁹ Талапина Е.В. «Сравнительно-правовой ежегодник», Москва: Норма, 2004. P. 136–151. 2018-04-01 // 121

³⁰ Rolland L. Précis de droit administratif. Paris, Dalloz, coll. Petits Précis, 9ème édition, 1947. P. 2.

bog'liq bo'lgan davlat xizmati davlat nomidan ish yuritadigan investitsiya huquqiy munosabatlarning yagona subyekti hisoblanadi.

Germaniyada barcha yuridik shaxslar xususiy va ommaviy yuridik shaxslarga bo'linadi. Xususiy va ommaviy yuridik shaxslar to'laqonli va mustaqil huquq subyektlaridir. Yuridik shaxsning huquqiy layoqati u davlat reyestriga – kasaba uyushmalari reyestriga, mas'uliyati cheklangan jamiyatlar va aksiyadorlik jamiyatlari savdo reyestriga (yuridik shaxsni tashkil qilishning tartibga solish tizimi) kiritilgan paytdan yoki tashkil etilgan paytdan boshlab paydo bo'ladi.³¹ Shuni ta'kidlash kerakki, nemis huquqiy tizimida Germaniyadagi investitsiya faoliyatini tartibga solishga oid yagona qonun va organ mavjud emas.

Yevropa Ittifoqining ikki mamlakati, Germaniya va Frantsiya misolidan ko'rinib turibdiki, ommaviy huquq subyektlari va uni ifodalovchi yuridik shaxslarning tushunchalaridagi **sezilarli farq** Yevropa Ittifoqi investitsiya qonunchiligining rivojlanishiga jiddiy to'siq bo'lib kelayotgan sabablardan biri sifatida xizmat qilmoqda. Bu esa davlatlarning investitsiyaga oid huquqiy munosabatlardagi ishtiroki masalalariga taalluqli **nizolarni keltirib chiqarmoqda**.

Yevropa Investitsiya Banki Iqtisodiy Departamenti direktori Debora Revoltellaning ta'kidlashicha, investitsiya nizolarini hal qilish xalqaro markazi va boshqa hakamlik organlari, investitsion huquqiy munosabatlarda ishtirok etuvchi yuridik shaxslarning davlat nomidan ish yuritish vakolatlarini aniqlash bilan bog'liq investitsiya nizolarini o'rganish davomida quyidagi xulosalarga kelishadi:

- agar investitsiya huquqiy munosabatlarida ishtirok etadigan yuridik shaxsning harakatlarida davlat funktsiyalarini amalga oshirish alomatlari ko'rinadigan bo'lsa, unda bunday harakatlar davlat tomonidan sodir etilgan harakatlar sifatida baholanadi;

- investitsiya huquqiy munosabatlarida ishtirok etadigan yuridik shaxsning harakatlari, agar davlat (davlat organi) bunday yuridik shaxsning nazorat paketi egasi bo'lsa, davlat tomonidan sodir etilgan harakatlar sifatida baholanishi kerak;

- agar yuridik shaxs, milliy qonunchilikka muvofiq, alohida toifadagi yuridik shaxs bo'lsa, yuridik shaxsning harakatlari davlatning harakatlari sifatida kvalifikatsiya qilinishi mumkin emas.

Ushbu xalqaro markazlar tomonidan ishlab chiqilgan xulosalarni majburiy tusdagi normalar sifatida belgilash hamda ularga barcha Yevropa Ittifoqiga a'zo mamlakatlar amal qilishi kerak. Shundagina tushunchalar o'rtasidagi farqlar sabab kelib chiqadigan investitsion nizolar ko'laminin kamayishiga erishish mumkin.

Shunday qilib, investitsiyalarning ta'rifi, fuqarolik muomalasidagi davlat yuridik shaxslari nomidan ish yuritadigan yuridik shaxslarning huquqiy tabiati va huquqiy holati to'g'risidagi xorijiy qonunchilikni tahlil qilish bizni shunday xulosaga kelishga imkon beradi: **investitsion huquqiy munosabatlar Yevropa Ittifoqiga a'zo mamlakatlarda bir xillikdan farq qiladi**. Ommaviy huquq subyektlari va uni ifodalovchi yuridik shaxslarning tushunchalaridagi sezilarli farq YI investitsiya qonunchiligining rivojlanishiga jiddiy to'siq bo'lib kelayotgan

³¹ Юридические лица по гражданскому праву зарубежных стран: монография / О. В. Гаврилюк, Н. И. Гайдаенко, Д. О. Грачев и др.; отв. редактировать. Н. Г. Семилютин. Москва: ИЗиСП, ИНФРА-М, 2015.

sabablardan biri sifatida xizmat qilmoqda. Bu esa davlatlarning investitsiyaga oid huquqiy munosabatlardagi ishtiroki masalalariga taalluqli **nizolarni keltirib chiqarmoqda**. Bunga qo‘shimcha ravishda yana shuni xulosa qilish mumkinki, turli nufuzli xalqaro tashkilotlar investitsion huquqiy munosabatlarda ishtirok etuvchi yuridik shaxslarning davlat nomidan ish yuritish vakolatlarini aniqlash bilan bog‘liq investitsiya nizolari bo‘yicha o‘z xulosalarini berishgan, biroq ushbu xulosalar majburiy harakterga ega emasligi uchun investitsion nizolar sodir bo‘lishda davom etmoqda.

Yuqoridagi kabi investitsion nizolarga sabab bo‘luvchi bir qancha muammolarni hal qilish uchun, bizningcha, quyidagilarga ahamiyat berish darkor:

Birinchi, Yevropa Ittifoqi Kengashi boshchiligida a‘zo davlatlar investitsion faoliyatini tartibga soluvchi yagona normativ hujjat yaratilishi kerak. Ushbu hujjat bilan investitsion faoliyat subyektlari va obyektlari, shuningdek, subyektlarning maqomi, huquq va majburiyatlari aniq belgilab qo‘yilishi kerak.

Ikkinchi, Yevropaning turli mamlakatlaridagi ommaviy huquq subyektlari va uni ifodalovchi yuridik shaxslarning tushunchalaridagi farq yo‘qqa chiqarilishi kerak. Buning uchun esa, avvalo, Yevropa Ittifoqi Kengashi bilan kelishgan holda har bir Yevropa davlati o‘z milliy qonunchiligidagi keltirilgan masalaga oid tushunchalarni belgilashi kerak. Bu esa o‘z navbatida Yevropa Ittifoqi investitsiya qonunchiligining rivojlanishiga to‘siq bo‘layotgan sabablardan birini yo‘qotishga xizmat qiladi.

Shu o‘rinda O‘zbekistonning Yevropa Ittifoqi bilan o‘zaro munosabatlariga to‘xtalib o‘tish lozim. O‘zbekistonning jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuvida YI bilan hamkorlik alohida o‘rin tutadi. Tashkilot TESIS dasturi doirasida O‘zbekistonga texnikaviy yordam ko‘rsatadi. 1999-yil 1-iyulda O‘zbekiston bilan YI o‘rtasida Sheriklik va hamkorlik to‘g‘risidagi bitim ratifikatsiya qilingan. Bu bitim siyosiy, iqtisodiy, ilmiy-texnikaviy, ijtimoiy, madaniy-ma‘rifiy aloqalar rivoji uchun imkoniyat tug‘dirdi. Jumladan, tomonlar o‘zaro savdoda bir-birlariga eng qulay sharoit yaratadilar, bir-birlariga tegishli tovarlarni o‘z hududlari orqali erkin tranzit qilishni ta‘minlaydilar.

O‘zbekistonning Yevropa Ittifoqi bilan aloqalari yildan yilga o‘z rivojini topib bormoqda. Jumladan, joriy yilning 27-oktabr kuni Qozog‘istonning Ostona shahrida “Markaziy Osiyo – Yevropa Ittifoqi” formatidagi delegatsiya rahbarlarining majlisi bo‘lib o‘tdi hamda unda Prezident Shavkat Mirziyoyev nutq so‘zladi. O‘zbekiston Prezidenti mintaqamiz davlatlari va Yevropa Ittifoqi o‘rtasidagi madaniy, siyosiy va boshqa masalalar yuzasidan hamkorlikni izchil chuqurlashtirib borish bo‘yicha ustuvor tashabbuslarni ilgari surdi. Xususan, Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganidek, “birgalikdagi sa’y-harakatlar natijasida Markaziy Osiyoda mutlaqo yangi siyosiy muhit vujudga keldi. Bir necha o‘n yillar mobaynida yig‘ilib qolgan, hal etilishiga hech kim ishonmay qo‘ygan ko‘plab muammolar bir necha yil davomida bartaraf etildi”. Prezidentimiz nutqining yakunida O‘zbekiston Respublikasi mamlakatlarimiz barqaror taraqqiyoti, ravnaqi va farovonligi yo‘lida “Markaziy Osiyo – Yevropa Ittifoqi” formatidagi ochiq, tizimli va sermahsul muloqotning tarafdori ekanini yana bir bor ta’kidladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Investment report 2019/2020: accelerating Europe's transformation;
2. Yevropa Investitsiya Banki Iqtisodiy Departamenti direktori Debora Revoltella bayonoti. 2020-yil;
3. Талапина Е.В. «Сравнительно-правовой ежегодник», Москва: Норма, 2004. Р. 136–151. 2018-04-01 // 121;
4. Юридические лица по гражданскому праву зарубежных стран: монография / О. В. Гаврилюк, Н. И. Гайдаенко, Д. О. Грачев и др.; отв. редактировать Н. Г. Семилютин. Москва: ИЗиСП, ИНФРА-М, 2015.;
5. Rolland L. Précis de droit administratif. Paris, Dalloz, coll. Petits Précis, 9ème édition, 1947. Р. 2.;
6. Шеленкова Н.Б. «Современные правовые проблемы евроинтеграции»: д.ф.-м.н., юрист. / М., 2006.;
7. Статья: “Регулирование инвестиционной деятельности в соглашениях Европейского Союза о свободном торговле” / Макаренко Анастасия Кирилловна / 2016.;
8. Статья: “Антикризисная политика на уровне ЕС и в отдельных странах Европы” / Л.А.Зубченко / 2011.;
9. Статья: “Экономическая стабильность, фискальная консолидация и долгосрочные инвестиции после кризиса” / Ф. Бассанини, Э. Ревильо [Электронный ресурс] - <http://www.oecd.org/finance/finance-markets/48609330.pdf>

ЕВРОПА ОЛИМЛАРИНИНГ АСАРЛАРИДА ИНСОН ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ**Салимов Бахриддин Лутфуллаевич***Тошкент Давлат Транспорт Университети професр Оқтувчиси***Файзиев Сардор Фарходович***Тошкент Давлат Транспорт Университети Талабаси***Курамбаев Жавоҳир Бактурди ўғли***Тошкент Давлат Транспорт Университети Талабаси*

Аннотация. Мақолада тарбия ва маънавиятни ижтимоий муносабатларнинг қандай йўналишда кечишини белгилаб берадиган ижтимоий куч эканлиги, ижтимоий муносабатларнинг субъекти – инсоннинг қандай йўл тутиши эса унинг олган тарбиясига боғлиқлиги, шунингдек, диалектик мазмун ва алоқадорлик яхлит бир тизим сифатида жамиятнинг ўзига ҳамда унинг таркибидаги барча соҳаларга бирдек таалуқлиги ҳақидаги масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: тарбия, маънавият, руҳият, ижтимоий куч, диалектик мазмун ва алоқадорлик.

Аннотация. В статье образование и духовность является социальной силой, определяющей направленность общественных отношений, предмет общественных отношений - как ведет себя человек, зависит от его воспитания, а также вопросы диалектического содержания и общения как целостной системы, которые применимы в равной степени и к самому обществу, и ко всем сферам его структуры.

Ключевые слова: образование, духовность, духовность, социальная сила, диалектическое содержание и связь,

Кириш. Тарбия ижтимоий муносабатларнинг қандай йўналишда кечишини белгилаб берадиган ижтимоий кучдир. Маълумки, ижтимоий муносабатларнинг субъекти – инсондир. Инсоннинг қандай йўл тутиши эса унинг олган тарбиясига боғлиқдир. Соддароқ қилиб тушунтирганда, одамлар жамиятда яшар экан, ўзаро муносабатда бўлади. Бу муносабатлар яхшилик билан ҳам, аксинча ёмонлик билан ҳам давом этиши мумкин. Ёки бўлмаса яхшилик ва ёмонлик қоришган ҳолда бўлиши мумкин³². Шунингдек, бир-бирига яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилмасдан, ҳар ким ўз манфаати доирасида ҳаракат қилиши ҳам мумкин. Халқимизда шундай нақл бор: «Агар яхшилик қилиш кўлингдан келмаса, унда ёмонлик ҳам қилма». Қайсидир маънода бу ҳам ўзига хос тарбиядир. Лекин, жамиятнинг кўрки, гўзаллиги бу унда яшайдиган одамларнинг бир-бирига яхшилик қилиши, бир-бирини кўллаши ва бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда умргузаронлик қилишларидир. Ижобий ижтимоий муносабатлар шунда ҳам намоён бўлади.

³² Салимов Б.Л. Случайность связана с существующими условиями или является результатом их взаимоотношений // International Conference on Social and Humanitarian Research. – Poland. 2021. – P.175-177.

Муҳокама ва натижалар. Албатта, буларнинг негизида тарбия туради. Чунки, яхши тарбия олган одамнигина кўлидан бошқа одамларга яхшилик қилиш келади ва улар бошқаларнинг дард ва ташвишларига ҳамдард бўла оладилар. Бундай тарбия кўрган одамларнинг кўп бўлиши эса ўша жамиятнинг янада юксалишига олиб боради. Одамийлик, инсонпарварлик, саҳоватпешалик каби юксак тарбиялилик ҳислатлари жамиятнинг барча аъзоларига зарур, албатта.

Бироқ, юксак тарбиялилик ҳислатларига эга жамиятнинг моддий жиҳатдан ўзига тўқ қатлами вакиллари учун, яъни бойлар учун ўзгача аҳамиятга эгадир. Нега деганда, «Бой одамнинг бурчи – жамият бахт-саодати учун ғамхўрлик қилиш ва ўз хурсандчилиги билан бошқалар қалбини чароғон этмоқдан иборат»³³ бўлиши керак. Бу мулоҳазанинг биз кўшиладиган жиҳатлари шундаки, қашшоқ, камбағал ёки ортиқча мол-дунёси бўлмаган ўрта ҳол яшайдиган кишилар ўзлари хоҳласаларда бошқаларга ёрдам кўлини чўза олмайдилар. Чунки, бунга уларнинг моддий имкониятлари йўл бермайди³⁴.

«Агарда биз жамиятга бахт олиб келсак, у билан биргаликда биз ўзимизнинг бахтимизни ҳам яратган бўламиз»³⁵. Жуда тўғри топиб айтилган мулоҳаза. Зотан, жамият бир кишидан эмас, балки миллионлаб, ҳаттоки, (Хитой ва Ҳиндистон давлатлари мисолида) миллиардлаб инсонлардан таркиб топган. Ана шу инсонларнинг ақл-идроки, орзу-умидлари, интилишлари, борингки барча инсоний ёки ноинсоний хатти-ҳаракатлари жамият келажагини белгилаб беради. Биз бекорга ноинсоний хатти-ҳаракатлар деган иборани ишлатмадик. Чунки, ҳар қанча ёқимли бўлмасин, мукамал, идеал жамиятнинг бўлиши жуда шубҳали. Ҳеч бир жамият 100 фоиз комил инсонлардан ташкил топиши реал ҳаётда рўёбга ошиши мумкин эмас. Хоҳлайсизми, йўқми ҳар қандай жамиятда ҳар хил одамлар бўлади. Жумладан, жамият тараққиётини орқага тортадиган баттол ва ёвузлар ҳам бор. Жамият бундай кимсаларни танобини тортиб қўйиш учун қонунлар яратган ва ана шу қонунлар орқали уларга қарши курашади. Қанчалик оғир бўлмасин шу нарсани тан олишимиз керакки, «Фақат қонун олдидаги кўркув, ёвуз инсонларни тўхтатиб туради»³⁶.

Европа файласуфлари орасидан Монтескьенинг ижтимоий-фалсафий қарашлари бошқаларникидан анча фарқ қилади. Бу фарқ шундаки, унинг фалсафасида, биринчи даражали эътибор, иқтисодий ва географик омилларга қаратилади. «Монтескье одамлар ҳаётини яхшилашнинг энг муҳим шарти деб деҳқончилик ва ҳунармандчилик воситасида моддий неъматлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳисоблайди»³⁷. Келажакни ўйлаб, жуда оқилона билдирилган мулоҳаза. Аслида ҳам, инсон ва жамият ҳаётининг

³³ Жюльен Офре Ламетри. Сочинения. - М.: Мысль, 1983. - С. 280.

³⁴ Салимов Б.Л. Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимостей // Colloquium-journal. -v 2020. -№24 (76). С. 33-35.

³⁵ Жюльен Офре Ламетри. Сочинения. - М.: Мысль, 1983. - С. 254.

³⁶ Жюльен Офре Ламетри. Сочинения. - М.: Мысль, 1983. - С. 262.

³⁷ С.Йулдошев, М.Усмонов, Р. Каримов, Г.Қобулниёзова, Г.Рузматова. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XV II—XX асрлар). – Т.: - Шарқ, 2002. - Б. 44.

тақдири, умуман ижтимоий муносабатларнинг келажаги борасидаги қарашлар азалдан файласуфларнинг ёки фалсафа илми билан шуғулланган олимларнинг қизиқтириб келган.

Биз юқорида мамлакатларнинг у ёки бу тараққиёт даражасида бўлишида бир қатор сабаблар борлигини таъкидлаб ўтган эдик. Бу борада Монтеスキё таълимотида яна бир ўзига хос ғоя илгари сурилган. «Бу сабабларни у географик муҳит билан боғлайди. Географик муҳитнинг эса учта асосини: иқлим, тупроқ ва жой рельефини кўрсатади»³⁸. Жаҳон географик картасини кўз олдимизга келтирсак ва кейин давлатларнинг ривожланиш кўрсаткичларига эътибор қаратсак, мамлакатларнинг тараққиётига таъсир кўрсатувчи қўйидаги ҳолатлар кўзга ташланади³⁹:

биринчидан, тўғридан-тўғри денгизга чиқиш имкониятларига эга ва бошқа коммуникация алоқаларининг мавжудлиги;

иккинчидан, кўплаб керакли фойдали табиий бойликларга эгалик қилиниши;

учинчидан, қўшни ва минтақа давлатларининг тараққиёт даражасига боғлиқлик;

тўртинчидан, давлатнинг географик жойлашуви ва табиий шароитлари.

Ижтимоий муносабатлар тизимида бошқариш жараёни ўта мураккаб, шунинг баробарида ўта маъсулиятли ижтимоий ҳодисадир. Бошқаришнинг самарали бўлиши бир қатор омилларга, хусусан, тарбия жараёнига ҳам боғлиқдир. Бошқариш бу узлуксиз, давомий бўлган тарбиядир. Бу тарбия бутун жамиятда ва унинг таркибига кирувчи турли хил даражадаги жамоаларда олиб борилади. Бу ўринда муайян жиҳатларни қисман умумлаштиришни ҳисобга олмаганда, ҳамма учун тўғри келадиган ягона тарбия тамойилини яратиш мушкул иш. Негаки, дунёда қанча одам бўлса, шунча хил феъл-атвор, характер бор. Турфа хил одамлардан ташкил топган жамоалар ҳақида худди шундай хулоса чиқарилади. Шарт-шароитлари мутлоқо бир хил муҳитга эга бўлган жамоалар йўқ. Шундай экан, уларнинг ҳар бири ўзига нисбатан индивидуал ёндашувни талаб этади. Индивидуал ёндашув эса тарбиянинг асосий қоидаларидан биридир.

Янги давр немис классик фалсафасининг шаклланишига тамал тошини қўйган Иммануил Кант ижтимоий муносабатларни таҳлил этар экан халқчил ҳокимият ғоясини илгари суради. Ушбу ғоянинг мазмуни шундан иборатки, «Қонун чиқарувчи ҳокимият фақат умумхалқ хоҳиш-иродасини ифодалаш шарт»⁴⁰ ва «халқнинг мана шундай хоҳиш-иродаси ҳуқуқий давлатдаги қонунларнинг манбааси керак»⁴¹. Бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган бу мулоҳазалар ҳозирги кунда кўпчиликни ҳайрон қолдирмаслиги мумкин. Негаки, айнан шундай ёки шунга ўхшаш фикрлар

³⁸ С.Йулдошев, М.Усмонов, Р. Каримов, Г.Қобулниёзова, Г.Рузматова. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XV II—XX асрлар). – Т.: - Шарқ, 2002. - Б.50.

³⁹ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁴⁰ Иммануил Кант. Сочинения в шести томах, т.4,ч.2. - М.: 1965. - С. 234.

⁴¹ В.Ф.Асмус. Иммануил Кант. – Москва: Наука, 1973. - С. 95.

оддий фуқародан тортиб давлат бошлиқлари томонидан жуда кўп маротоба айтилади, мамлакатларнинг тараққиёти учун хизмат қиладиган асосий тамойил сифатида эътироф этиб келинаётир. «Қонун чиқарувчи ҳокимият фақат умумхалқ хоҳиш-иродасини ифодалаш шарт» мазмунидаги юқоридаги ибора ҳозирда ижтимоий муносабатларнинг бош мезони ҳисобланади.

Бироқ, бундан бир неча юз йиллар муқаддам, Иммануил Кант яшаган шарт-шароитда бу гаплар ўта радикал мулоҳаза бўлгани учун уни ҳукумат томонидан эътироф этилиши ҳамда давлат ва жамият жараёнларига татбиқ этилиши амалда мумкин эмас эди. Негаки, ўша пайтларда дунёнинг ҳамма мамлакатларида монарх, яъни якка ҳукмрон, қирол, императорлар ҳукмронлик қилиб, юқори табақа эгалари, феодаллар ва капиталистларнинг манфаатларини ҳимоя қилишарди. Мамлакатлардаги қонун-қоидалар ҳам бевосита, шуларни талаблари, қизиқишлари асосида яратилган ва шуларга хизмат қилган⁴². Кенг халқ оммаси манфаатлари эса бир чеккада қолиб кетаверган. Фақат Кантга ўхшаш ўз даврининг илғор кишилари бундай ҳолат нотўғри эканлигини айта олишган ва давлат биргина юқори табақани эмас, балки бутун халқ хоҳиш-иродасини инобатга олиши, давлатнинг қонунлари ҳам умумхалқ манфаатларига хизмат қилиши кераклиги, маъносидаги ғояларни илгари сура олишган. Давлат бошлиқлари ва ҳукмрон синфлар ўз навбатида бу ғояларнинг амалга ошишига қаршилиқ кўрсатишган. Чунки, бу каби ғояларнинг рўёбга чиқиши, халққа озодлик, эркинлик беришни тақозо этган. Ўз навбатида бу ҳолатни вужудга келиши ҳукмдорлар учун ёқимсиз бўлган. Сабаби, озодлик, эркинликка эга бўлган халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етиб, ҳукмдорларга бўйсунгани, доимо бошқалар учун хизмат қилишни истамайдилар. Давлатни бошқаришда, қонунларни қабул қилишда иштирок этишни талаб эта бошлайдилар. Жамиятдаги моддий ва маънавий бойликлар ҳамма учун бир хил тақсимланишини, ҳамма учун бирдек муносиб ҳаёт таъминлаб берилиши учун курашни бошлайдилар. Бу курашнинг оқибати нима билан тугашини яхши билган, ҳукмрон синф вакиллари эса бунга турли йўллар билан тўсқинлик қилишган. Бу тўсқинликлар турли хил кўринишлар, усул ва воситалар орқали қилинган.

Сёрен Кьеркегорнинг таъкидлашича, лоқайдлик, эътиборсизлик ва бефарқлик ҳолатлари ижтимоий муносабатларни издан чиқарадиган иллатлар ҳисобланади ва улар инсониятга ҳеч қачон ёруғлик олиб келмаган. Булар бир қарашда унчалик ёмон одатлар эмасдек кўриниши мумкин. Бироқ, чуқурроқ мулоҳаза қилинса, жамиятдаги кўп қусурлар, ҳаттоким, ёвузликлар негизида ҳам шу иллатлар туради. Сёрен Кьеркегор таъкидлаб ўтганидек, “кўпчилик одамларнинг ҳаётини диалектик лоқайдлик нуқтаи назаридан тасаввур этсак уни яхшилик(ишонч)дан шу қадар узоқлашгани ва унинг юқори даражада

⁴² Салимов Б.Л. Философская роль диалектических категорий в жизни человека // Историческая психология и социология истории (historical psychology & sociology). – М., 2020. Т. 13. -№1. -С. 111-119.

маънавиятга эга эмаслиги намоён бўлади...”⁴³. Эътибор берган бўлсангиз, Сёрен Кьеркегорнинг мазкур мулоҳазасида маънавият ибораси қўлланилган. Шунингдек, биз юқорида кўриб чиққан ва таҳлил этган масалалар ҳам маънавият тушунчасига дахлдордир. Айниқса, кўп маротоба тилга олган инсон қалбидаги безовталиқ туйғусини олайлик. Инсон қалби инсоннинг ички рухий кечинмалари, ҳиссиётларини ифода этади. Инсоннинг ички рухий кечинмалари, ҳиссиётлари, рухий қуввати, ички бойлиги, умуман ички дунёси билан боғлиқ жараёнлар маънавият ҳисобланади. Бу борада бир қатор фалсафий адабиётларда айтиб ўтилган.

Сёрен Кьеркегорнинг асари билан танишарканмиз, унинг маънавиятга, аниқроғи маънавий ҳаётга берган бир таърифи қуйидагича ифодаланади: “Маънавий ҳаётдаги ҳамма нарса диалектикадир”. Шу ўринда бир савол, агарда Сёрен Кьеркегор маънавий ҳаёт сўзи ўрнига маънавият сўзини ишлатганда нима ўзгарарди. Бизнинг назаримизда, сезиларли ҳеч нарса ўзгармас эди. Негаки, маънавият – маънавий ҳаётда ўзини намоён этади. Маънавий ҳаёт бўлмаса маънавият ҳақида гапиришдан на ҳожат⁴⁴. Шундай экан, кейинги ўринларда баъзан маънавият, маънавий ҳаёт ибораларини биргаликда, қўшиб фойдалансак, ҳайрон бўлмасликларингизни сўрардик. Фикримиз бошида, аввало, шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, фақатгина маънавий ҳаёт эмас, балки жамиятнинг ҳамма соҳалари, унда кечаётган барча жараёнлар диалектик мазмунга эга.

